

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.Ped/27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА МАХЛИЁ ЮНУСОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ИЖОДКОР ШАХС ВА
ҚАҲРАМОН МУАММОСИ
(XIX-XX АСР БОШЛАРИ АДАБИЁТИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 821.512.133.091
821.111.091

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологических
наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor (DSc) on
philological sciences**

Умарова Махлиё Юнусовна

Инглиз ва ўзбек адабиётида ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммоси
(XIX-XX аср бошлари адабиёти мисолида)..... 3

Умарова Махлиё Юнусовна

Проблема творческой личности и героя в английской и узбекской
литературе (на примере литературы XIX – начала XX веков)..... 35

Umarova Makhliyo Yunusovna

The Problem of a Creative Personality and a Hero in English and Uzbek
literature (on the basis of the XIX – the Beginning of the XX Centuries
literature)..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 72

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.Ped/27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА МАХЛИЁ ЮНУСОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ИЖОДКОР ШАХС ВА
ҚАҲРАМОН МУАММОСИ
(XIX-XX АСР БОШЛАРИ АДАБИЁТИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Fil318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Болтабаев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Садиков Зоҳид Якубжанович
филология фанлари доктори, доцент

Мирзаева Зулхумор Иномовна
филология фанлари доктори, профессор

Усмон Хўжа ўғли Темур
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "31" март кунини соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 21А. Тел: (998 71) 230-12-91, (99871) 230-12-92; e-mail: www.uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ахборот ресурслари марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 21А. Тел: (998 71) 230-12-91, (99871) 230-12-92; e-mail: www.uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил "18" март кунини тарқатилди.
(2022 йил "18" март даги 8 рақамли реестр баённомаси)



Г.Х.Бакиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б.Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий хотиби, филол.ф.д., доцент

Ж.А.Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
филол.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида маълум бир ижодкор ёки адибнинг шахсияти, фаолиятини унинг яратган асарларига узвий боғлиқликда ўрганиш тамойили чуқур ривожланган. Бугунги кунда муайян адиб ижоди ва бадиий асар таҳлилига янгича муносабат, муаллиф ва қаҳрамон боғлиқлигини ўрганишнинг янги усуллари пайдо бўлмоқдаки, бу бадиий асарни теранроқ англаш ва ижодкор ўзига хослигини тушунтиришда амалий аҳамият касб этади. Бадиий асарни таҳлил қилиш жараёнида икки ва ундан ортиқ мамлакат адибларининг асарларида ижодкор шахс ва муаллиф образининг бадиий қаҳрамонда зухурланиши, ижодий ва инсоний “мен” ўртасидаги уйғунлик каби масалалар жаҳон адабиёти мутафаккирларининг асарларида кенг камровда ўрганишни тақозо этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида инглиз адабиётининг етук мутафаккирлари Жорж Байрон, Вальтер Скотт, Бернард Шоу асарлари бўйича кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур адибларнинг ижодига оид адабий-танқидий қарашларнинг кўплигига қарамай, уларнинг асарларида ижодкор шахс ва қаҳрамон муносабати ўзбек жадид адабиёти билан қиёсий аспектда тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Натижада бадиий асарда ижодкор-инсон таржимаи ҳолидаги ҳаётини воқеаларни асар қаҳрамонига кўчиши, ижодкор шахс ва унинг бадиий меросини холис ўрганиш, муаллиф руҳиятини англаш, адабий шахсият муаммосини ижтимоий фанлар оралиғида ўрганиш зарурати туғилади.

Ўзбек адабиётшунослигида XX аср жадид адабиётини ўрганишга доир салмоқли тадқиқотлардан маълум бўлмоқдаки, ўзбек жадид адиблари умумий маънода жаҳон адабиётидаги янгиликлардан четда қолмаган. Миллий адабиёт тараққиётида муҳим роль ўйнаган Чўлпон, Қодирий ва Фитрат жаҳон адабиётидаги асосий тенденциялардан хабардор бўлган. Айни маънода инглиз-ўзбек адабий алоқалари ва XX аср бошларида миллий адабиётларда юз берган ижодий жараёнларни қиёсан ўрганиш алоҳида филологик жабҳани ташкил қилади. Зеро “адабиёт – жамият ҳаётида эзгу кадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришда, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она-Ватани ва халқига муҳаббат ҳамда садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга”¹дир. XIX аср охири – XX аср бошлари инглиз ва ўзбек адабиётидаги муштарак жиҳатларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги, шеърят, наср ва драматургиядаги янгиликлар қиёсий жиҳатдан тадқиқ этилмаганлиги илмий муаммонинг долзарблигини ва ўрганилиш заруриятини юзага чиқаради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // - Халқ сўзи. - 2017. - 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сонли “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сонли “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Инглиз адиблари Байрон, Вальтер Скотт, Бернард Шоу ва ўзбек жадид ёзувчилари Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ижодини назарий ҳамда амалий ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Англия (Хертфордшир университети), Шотландия (Абердин университети), АҚШ (Мичиган штати университети, Индиана университети), Германия (Хумбольд университети), Россия (Москва давлат университети, Адигей давлат университети), Туркия (Анқара ва Истанбул университетлари), Озарбайжон (Миллий илмлар академияси, Баку давлат университети), Қозоғистон (Ал-Фаробий номидаги қозоқ миллий университети), Ўз РФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Андижон давлат университети, Фарғона давлат университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар шарҳи: 1. <https://www.herts.ac.uk/>; 2. <https://britisheducation.org.ru/education/university-of-aberdeen>; 3. <https://msu.edu>; 4. <http://www.universityofcalifornia.edu>; <http://www.dictionary.com>; 5. <https://www.hu-berlin.de/de> 6. <http://www.smolgu.ru>; 7. <https://www.adygnet.ru>; 8. https://world.uz/ru/post/view/universitet_trakiya; 9. <https://www.ankara.edu.tr/>; 10. <http://m.science.gov.az/ru/institutes/764>; 11. <http://bsu.edu.az>; 12. <https://uz.Turktoy.com/university/xoja-ahmad-yassaviy-xalqaro-qozoq-turk-davlat-universiteti>.

Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор шахс ва қаҳрамон масаласи нуктаи назаридан қуйидаги илмий натижаларга эришилган: объектив воқелик, муаллиф шахсиятининг индивидуал хусусиятлари, муаллиф дунёқарашининг ўзига хослигини акс эттириш, ўтмиш хотираларини бадиий ифода этиш илмий асосда кўрсатиб берилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия); адабиётшуносликда муаллиф “мен”ини ифода этиш йўллари, бадиий асарни тушуниш учун муҳим бўлган ёзувчининг таржимаи ҳоли фактларини асос қилиб олиш; муаллиф “мен”ининг бадиий асарда ифодаланиш усуллари аниқланган (Шимолий Арктика Федерал университети, Архангельск); муаллифнинг ижодий индивидуаллиги бадиий асар қаҳрамони билан параллел равишда таҳлил қилинган, муаллиф ижтимоий ва тарихий муаммоларининг бадиий тасвири тадқиқ этилган (М. Горький номидаги Урал давлат университети).

Бугунги кунда муаллиф шахсини қаҳрамон билан боғлаб ўрганиш, ижодкор бадиий эстетик концепциясида ижодий “мен” ва инсоний “мен” муштарақлиги, муаллиф шахси биографиясининг бадиий асар қаҳрамонида зуҳурланиши, ижодкор шахс ички дунёсини тасвирлашнинг асосий усуллари аниқлаш, муаллиф, ҳикоячи ва қаҳрамон диалогда муаллиф тафаккурининг аҳамиятини тадқиқ этиш, персонажлар типологиясида ижодкор шахснинг ўрнини, унинг бошқа қаҳрамонлар билан алоқасини белгилаш; муаллифнинг насрда, лирика ва драмада ижодкорлик концепциясини ўрганиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор шахс концепти, ёзувчи биографияси, ижод лабораторияси каби муаммолар ўрганилган, шунингдек, қаҳрамон билан муаллиф шахсиятининг боғлиқлиги бўйича ҳам муайян илмий натижаларга эришилган.³ Мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг дастлабкисини айнан ижодкор шахс ва қаҳрамон масаласи таҳлил этилган ишлар ташкил этади⁴. Қиёсий адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг ривожланиши билан инглиз-ўзбек адабий алоқаларининг турли масалалари жаҳон ва юртимиз олимларининг қатор тадқиқотларида таҳлилга тортилган.⁵ Иккинчи йўналиш учун таниқли инглиз адиблари Байрон, Скотт, Шоу ва ўзбек жадид адабиёти

³ Kaufman S.B. *The Psychology of Creative Writing*. – New York: Cambridge University Press, 2009; Victor Millet, Heike Sahn. *Narration and Hero*. – Berlin/Boston, 2014; Callus I. *Style in Theory Between Literature and Philosophy*. – USA: Bloomsbury, 2013; Jung. C.G. *Psychology and religion: west and east*. – New York, 1953;

⁴ Храпченко М.Б. *Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы*. – М.: Худ. лит-ра, 1977; Ковалёв А.Г. *Психология литературного творчества*. – Л.: ЛГУ, 1960; Мейлах Б. *Психология художественного творчества предмет и пути исследования*. – Л.: Наука, 1980; Талант писателя и процесс творчества. – Л.: Сов. писатель, 1969; Андроникова И. *От прототипа к образу*. – М.: Педагогика, 1974; Окланский Ю. *Рождение книги. Жизнь, писатель творческий процесс*. – М., 1979; Сент-Бёв Ш. *Литературные портреты*. – М.: Худ. лит-ра, 1970; Барахов В.С. *Литературные портреты*. – Л.: Наука, 1985; Бахтин М. *Вопросы литературы и эстетики*. – М.: Худ. лит-ра, 1975; Лотман Ю. *Поэзия и поэты / Собрание сочинений*. – М.: Просвещение, 1998;

⁵ Носиров Ў. *Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи*. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975; Болтабоев Х. *Наср ва услуб*. – Т.: Фан, 1992; Шукуров Н. *Индивидуал услуб ва адабий тил // Ўзбек тили ва адабиёти*, 1972, 3-4-сонлар. – Б. 3-9; Болтабоев Х., Маҳмудов М. *Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-2 ж.* – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013. – 400 б.

вакиллари Чўлпон, Қодирий ва Фитрат ижодини ўрганишнинг турли аспектлари қамраб олинган⁶. Ушбу тадқиқотлар, асосан, таржимашунослик, миллий адабиётларнинг қиёсий тадқиқи, адабий-маданий алоқалар аспектларида бажарилган. Бевосита инглиз ва ўзбек жадид адабиётининг қиёсий таҳлилига бағишланган ишлар ҳамда уларнинг илмий муаммолари етарли даражада таҳлил этилмагани боис ушбу муаммони илмий асосда тадқиқ этишга эҳтиёж туғилади. Шунингдек, бадиий адабиётда ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммосининг назарий асослари масалалари инглиз ва ўзбек адиблари ижоди мисолида қиёсий аспектда ўрганилиб, ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммосига доир илмий тадқиқот биринчи марта юзага чиқмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 204-4-5 “Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий тадқиқот, илмий-ижодий ишлар лойиҳасининг “Инглиз ва ўзбек адабиётининг қиёсий типологияси” (2018-2020) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX-XX аср бошлари инглиз адабиётининг буюк вакиллари Жорж Байрон, Вальтер Скотт ва Бернард Шоу ҳамда ўзбек жадид адиблари Фитрат, Қодирий, Чўлпон ижодидаги муштарак

⁶ Кондратенкова Е.А. Байронический след в романе М.Ю.Лермонтова “Герой нашего времени”. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Смоленск, 2013; Холбеков М. Байрон ижодида Шарқ // Талабалар дунёси. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б. 16; – № 4. – Б. 19; Шохина А.Н. Художественное воплощение исторического процесса в романах В.Скотта и М.Н.Загоскина. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2010; Трутнева А.Н. “Пьеса-дискуссия” в драматургии Б.Шоу конца XIX-начала XX века (проблема жанра). Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2015; Исматуллаев Х. “Ўткан кунлар”, нашрлар, таржималар, тадқиқотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1989. 4-сон. – Б. 122-134; Исматуллаев Х. Ўзбек адабиётининг оламшумул шухрати. – Т.: Фан, 1996; Исматуллаев Х. Чўлпон ва жаҳон // Reform movements and revolutions in Turkistan: 1900-1904. ed Temur Kosaoglu/Harlem, 2001. – P. 227-286; Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1992. 27 март; Болтабоев Ҳ. Ўзбек адабиётининг америкалик дўсти // Туркистон, 1997. 15 октябрь; Болтабоев Ҳ. Хорижда чўлпоншунослик // Туркистон, 1997. 26 ноябрь; Ҳаққулов И. Чўлпон шеърятининг хорижда ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1992. – № 3-4. – Б. 19-21; Қуронов Д. Чўлпон наъри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. – 288 б; Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади // Шарқ юлдузи. – Т., 1994. – № 3-4. 1989. – Б. 196; Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т.: Академнашр, 2014. – 245 б; Бақоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. – Т: Фан, 2015; Рафиков К. Узбекская литература в зарубежном литературоведении (по материалам американской печати). Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1981; Мирзаева З.И. Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши. Филол. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006; Қосимов А.А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида). Филол. фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2007; Шарафутдинова М.О. Особенности повествовательной структуры узбекского романа XX века в контексте мировой литературы. Автореф. дисс. докт. филол. наук. – М., 2010; Касымова З.А. Концепция мира и человека сквозь призму традиций национальной и мировой литературы (на материале произведений А.Фитрата, А.Кадыри и А.Чулпана). Автореф. дисс. докт. филол. наук. – Т., 2011; Холбеков М. XX аср модерн адабиёти. – Т., 2014; Камилова С. Развитие поэтики жанра современного рассказа в русской и узбекской литературе рубежа XX-XXI веков: Автореф. дисс. докт. фил.наук (DcS). – Т., 2016; Халлиева Г. XX аср рус адабиётшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи. Филол. фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2016; Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижодимисолида). Филол. фанлари доктори (DSc) ... дисс. автореферати. – Т., 2019; Қурбонов П. Байрон ижодида шарқ ва шарқона мотивлар тавсифи (қиёс ва таржима). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореферати. – Самарканд, 2019.

жиҳатларини ҳамда уларнинг асарларида ижодкор шахс ва қаҳрамон муносабатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

адабиётшуносликда ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммосининг назарий асосларини белгилаш;

ижодкор шахсига XIX-XX аср бошларида шаклланган янгича илмий муносабатни аниқлаш;

инглиз ва ўзбек шеърлятидаги ижодкор шахс ҳамда лирик қаҳрамон табиатидаги фарқли ва муштарак жиҳатларни Байрон ҳамда Чўлпон лирикаси асосида таҳлил қилиш;

насрий асарларларда тарихий шахс ва эпик қаҳрамон муносабатини Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирий романлари мисолида тадқиқ этиш;

драматургияда ижодий индивидуаллик ва унинг бадиий инъикоси юзасидан XX аср бошлари адабиётига дахлдор илмий хулосаларга келиш;

Бернад Шоу ва Фитрат драматургиясида эпиклик ҳамда унинг ифода кўлами ва миллий хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида Жорж Байрон шеърляти, поэмалари, Вальтер Скотт тарихий романлари ва Бернард Шоу драматургияси ҳамда ўзбек жади́д ади́блари Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Абдурауф Фитратнинг шеърляти, насрий ва драматик асарлари танланган.

Тадқиқот предмети XIX-XX аср бошлари инглиз адабиётининг тараққиёт тенденциялари, уларнинг жаҳондаги бошқа адабиётларга, жумладан, ўзбек адабиётига таъсири масалалари ҳамда ўзбек жади́д ади́блари асарларининг поэтик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш учун қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик ҳамда герменевтик талқин ва бадиий асарни таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек ади́бларининг асарларида ижодкор шахс ва муаллиф образининг бадиий қаҳрамонда зухурланиши, ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммоси ҳақидаги инглиз ҳамда ўзбек муаллифларининг эстетик идеалга таяниши каби ғарбона ва бадиий матнда поэтикага урғу берилиши каби шарқона қарашлари аниқланган;

бадиий асарда ижодкор-инсон ҳаётий воқеаларини асар қаҳрамонига кўчиши, ижодкор шахс руҳиятини англаш, адабий шахсият муаммосини ғарбона контекстда ижтимоий муҳитга урғу берилиши ва шарқона қарашларда эса асар қаҳрамонларнинг характери, нутқи каби хусусиятларига эътибор қаратилиши исботланган;

шеърлятда муаллиф образи ва лирик қаҳрамон муносабати инглиз шоири Байрон ва ўзбек шоири Чўлпон лирикасида инсон руҳияти тасвири жараёнида ижодий ўзига хослик, улардаги ижодий “мен” ва биографик “мен” муносабатини изчил очиб бериш орқали шоир усубини юзага чиқарувчи омиллар бирлигини ташкил этиши далилланган;

Вальтер Скотт асарларидаги тарихийлик ва бадиийлик концепцияси билан Абдулла Қодирий шахсияти ва роман қаҳрамонлари ўртасидаги тарих ҳақиқатини бадиий ифода этишдаги муштарак ҳамда ижтимоий-биографик аспектдан келиб чиққан ҳолда адабий қаҳрамонга ижодий муносабатдаги фарқли жиҳатлар очиб берилган;

инглиз драматурги Бернард Шоу асарларида акс этган эпик концепциянинг ифодаланиши ҳамда ўзбек адиби Фитрат асарларидаги тарихий шахс ва унга муносабат масаласи тарихий драмалар матнидаги образлар тизими, сюжет ва композиция ҳамда бадиий нутқнинг яхлит ифодаси муаллифнинг индивидуал услуби ҳамда драматурглик маҳоратини кўрсатиш орқали асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммосининг ғарб ҳамда шарқ адабиётшунослигидаги фарқли жиҳатлари аниқланган;

Байрон ва Чўлпон лирикасида биографик “мен”нинг лирик “мен”га кўчиб ўтиш хусусиятлари таҳлил этилган ҳамда мисоллар билан ёритилган;

Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирийнинг тарихий романларида тарихийлик ҳамда бадиийлик концепцияси ишлаб чиқилган;

Бернад Шоу ва Фитрат драмаларида эпиклик ҳамда унинг ифодаланиш кўлами аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосалар, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, контекстуал ва функционал таҳлил усуллари билан асослангани, ишончли назарий манбалар, нашрлар ҳамда луғатлардан фойдаланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Байрон ва Чўлпон, Скотт ва Қодирий, Шоу ва Фитрат ижоди бўйича чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётшунослигида иждоқор шахс ва қаҳрамон тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, қаҳрамон яратишда ғарбона ва шарқона қарашларнинг юзага келиши масаласидаги маълумотларни кенгайтиради, тўлдиради. Ғарб ва Шарқ бадииятида қаҳрамон муаммосининг фарқли ва муштарак жиҳатлари ҳамда тутган ўрни ҳақидаги қарашлар қиёсий адабиётшунослик, жаҳон ҳамда ўзбек адабиёти тарихи, адабиётшунослик назарияси фанларининг ривожига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иждоқор шахс ва адабий қаҳрамон муаммосини инглиз ва ўзбек иждоқорлари билан қиёсий таҳлил этиш психология, фалсафа фанларида ҳам самарали қўллаш имкониятини яратиши билан белгиланади. Ғарб ва Шарқ адабий қаҳрамонининг қиёсий аспектда ўрганилиши бадиий асар персонажига оид қарашлардан жаҳон ва ўзбек адабиёти тарихи, қиёсий адабиётшунослик, адабиёт назарияси, таржима назарияси каби йўналишларда талаба, магистр ва мутахассислар учун ўқув, услубий қўлланма, хрестоматия ва дарсликлар тайёрлашда ҳамда

қиёсий адабиётшунослик терминлари луғати яратилишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек адабиётида ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммоси (XIX-XX аср бошлари адабиёти мисолида) тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида: ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммоси инглиз-ўзбек адиблари асарлари таҳлили, ғарб ва шарқ ижодкорлари қарашларидаги турличалик; шеърятда муаллиф образи ва лирик қаҳрамон муносабати Байрон ва Чўлпон лирикасидаги муштарак, ўзига хос жиҳатлари ҳамда ғарб ва шарқ драматургияси Бернард Шоу ва Фитратнинг тарихий драмаларидаги бетакроп тарихий образлар ҳақидаги илмий-таҳлилий, назарий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлимида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 12 августдаги 01-03/984-сон маълумотномаси). Натижада ғарб ва шарқ ижодкорларининг лирик ва драматик асарларидаги ўхшаш ва умумий жиҳатларга таржима жараёнларида амал қилиш кўзда тутилган;

Байрон ва Чўлпон ижодининг бир-бирига яқинлиги, асосан, мавзулар доирасининг аниқлиги, образларро муштараклик, ҳар икки шоирда ҳаёт ҳодисасига назар ташлашдан тортиб, уни бадиий талқин этишда романтизм адабиётига хос бўлган хаёлот, воқеаларни қалб призмасидан ўтказиб талқин қилиш ҳолларининг кузатилиши ҳамда Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирий асарларида мамлакат учун муҳим бўлган тарихий воқеалар, тарихийлик принципининг намоён бўлганлигига доир илмий натижалари 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорида келтирилган вазифаларнинг бевосита ижросига қаратилган тадқиқот иши сифатида баҳолаиб, дастурнинг 35-банди доирасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 25 августдаги 05-12-10-3869-сон маълумотномаси). Натижада инглиз адибларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва ўзбек жаҳид адибларининг асарларини янги қайта нашрларини такомиллаштирилишига хизмат қилган;

муаллиф шахси ва унинг бадиий асарда акс эттириш тамойиллари ҳақидаги илмий натижалардан “O’zbekiston tarixi” телеканалининг “Мавзу” ва “Тақдимот” номли кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 12 августдаги 02-13-1335-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув материаллари XIX-XX аср инглиз ва ўзбек адибларининг асарларида ижодкор шахс ва қаҳрамон муаммосининг ёритилиши ҳақидаги маълумотлар билан бойитилган;

инглиз ёзувчиси Вальтер Скотт асарларида тарихийлик ва бадийлик концепциясини тадқиқ этиш, инглиз ва ўзбек романларида тарихий шахс ва қаҳрамонга ижодий муносабат масаласини ёритиш, Вальтер Скотт ҳамда Абдулла Қодирий шахсияти ва роман қаҳрамонлари ўртасидаги ижтимоий-биографик муносабатлар ва уларнинг қиёсий тадқиқини амалга ошириш, инглиз ва ўзбек драматургиясига салмоқли ҳиссасини қўшган драматурглар Бернард Шоу ва Фитрат драмаларида тарихий шахслар ва бадийлик муносабати масаласини чуқур ўрганишга доир илмий-назарий қарашлардан А-1-61 рақамли “Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш” номли амалий тадқиқот лойиҳасида самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 августдаги 01-1375-сон маълумотномаси). Натижада назарий ва амалий материал аудитўплам мазмунининг ўзгартирилишига туртки бўлган ҳамда имконияти чекланган талабаларга адиблар ижодини қиёсан ўрганиш учун етарли имконият яратилган;

чет тилларни профессионал йўналтирилган ўқитиш тизимини ривожлантиришга қаратилган магистрлик дастурини амалга ошириш доирасида инглиз тилини такомиллаштиришда бадий адабиётлардан хусусан, таниқли инглиз адиблари Байрон, Вальтер Скотт ва Бернард Шоу асарларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, чет тиллар ўқитиш методикаси ўқув модулларини ишлаб чиқишда Project Tempus 544161-TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University "Developing the Teaching of European Languages: Modernising Language Teaching through the development of blended Masters Programmes" (2014-2017) номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 августдаги 01/1848-сон маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар лойиҳа доирасида яратилган дарслик, ўқув-методик мажмуалар ва уларнинг электрон нусхаларини бойитишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек романларида тарихий шахс ва қаҳрамонга ижодий муносабат масаласи ёритилиши, Вальтер Скотт ҳамда Абдулла Қодирий шахсияти ва роман қаҳрамонлари ўртасидаги ижтимоий-биографик муносабатлар ва уларнинг қиёсий тадқиқи ҳамда инглиз ва ўзбек драматургияси, хусусан, Шоу ва Фитрат драмаларида эпик концепция ва унинг ифодавийлигини таҳлили юзасидан чиқарилган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихи тадқиқи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 24 сентябрдаги 262/1-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек жаҳид адабиётининг забардаст вакиллари билан боғлиқ таҳлилий умумлашмалар лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва луғатларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

адабиётшуносликда иждокор шахс ва қаҳрамон муаммоси инглиз ва ўзбек адиблари асарлари таҳлили, ёзувчиларнинг ғарбона ва шарқона қарашларининг қиёсий тадқиқи; шеърятда автор образи ва лирик қаҳрамон муносабати бевосита инглиз шоири Байрон ва ўзбек шоири Чўлпон лирикаси мутаносиблиги муштарак ва иждодий ўзига хос жиҳатлари ҳамда улардаги иждодий “мен” ва биографик “мен” муносабатлари таҳлили юзасидан чиқарилган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг ФА-Ф1-Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 24 сентябрдаги 263/1-сон маълумотномаси). Натижада адабиётнинг назарий тамойилларини белгилаш, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётининг муштараклиги назарий масалаларига доир маълумотлар мукамаллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 11 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Scopus базасидаги хорижий журналларда 2 та, юқори импакт факторли халқаро журналларда 3 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, республика ва халқаро анжуманларда 17 та мақола ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 215 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Иждокор шахс ва қаҳрамон муаммосининг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унинг дастлабки фаслида **“Иждокор шахс ва унга XIX-XX аср бошларида янги илмий муносабат”** масаласи ўрганилган. Иждокор шахс тушунчаси ўзининг ривожланиш босқичларига эга бўлиб, иждокор шахсига дастлабки илмий

муносабат Уйғониш даврида шаклланди. Сўнгра XVII аср классицизм адабиётида ва маърифатчилик даврида, шубҳасиз, ёзувчининг ижодий шахсиятига муносабат алоҳида юксак мақомга кўтарилди. Айниқса, маърифатчиликнинг сўнги босқичида ёзувчининг ижодий шахсиятига бунёдкор ва яратувчи сифатида муносабат шаклланди бўлиб, бу каби назарий муаммолар XIX аср адабиётшунослигида умумжаҳоний фалсафий муаммолар даражасида тадқиқ этилди.

Маълумки, ижодкор шахс тушунчаси инглиз тилида “creative person” тарзида қўлланилиб, асосан, *ижод қилувчи, маҳоратли шахс* маъносини англатади. Дастлаб бу сўз бирикмаси кўпроқ психологик термин сифатида ишлатилган, кейин эса адабиётшуносликка кириб келган. Ижодкор шахс синоними тарзида инглиз тилида “writer” ёки “author” сўзи мавжуд бўлиб, у *муаллиф* деб юритилади. Ушбу тушунчага инглиз адабиётшунослигида қуйидагича таъриф берилади: “Authors are individuals who, by their intellectual and imaginative powers, purposefully create from their experience and reading a literary work which is distinctively their own”⁷. Муаллиф ўзининг интеллектуал қобилияти ва тасаввурига мувофиқ равишда шахсий тажрибалари ҳамда ўқиган адабиётлари асосида бадиий асар яратадиган шахсдир.

Собиқ иттифоқ адабий танқидчилигида ёзувчига ижодкор шахс сифатида қизиқиш XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлди ва бу борадаги дастлабки муҳим ишлар сифатида Б.Костелянецнинг “Максим Горький ва ёзувчининг ижодий шахси муаммоси” ва М.Храпченконинг “Ёзувчининг реал услуби ва ижодий шахсият” мақолаларини келтириш мумкин. Проф. Б.Бурсов XX асрнинг 60-йилларида ёзувчининг ижодкор шахси табиатига жиддий талаблар қўйиб, маҳоратли ёзувчигина ҳақиқий ёзувчи мақомига эришиши мумкинлигини таъкидлайди⁸. Рус адабиётшунослигида бу каби қарашлар ижодкор шахс тушунчасининг дастлабки ривожланишига замин яратди.

М.Бахтин ижодкор шахсни ўрганишда муаллиф-инсонга индивидуал жонзот сифатида қараш ва бу хусусият унинг ўзига хослигини таъминлаши (1); бундай йўналишдаги ишларда тарихийлик принципига амал қилиш лозимлиги (2); муаллифни ўз даврининг шарт-шароити, адабий мезонлари билан умумийликда ўрганилиш зарурати (3); тадқиқотчи муаллиф-ижодкор (асар вақтидаги) билан муаллиф-инсон (тарихий давр ва жамият, ижтимоий-сиёсий) ҳаётида бир қанча ўхшаш ҳолатлари бўлса-да, аралаштириб юбормаслик лозимлигини (4) муҳим деб ҳисоблайди⁹. Демак, олим ижодкор шахсни тушунишда унинг даври билан боғлаб ўрганиши кераклигини таъкидлайди. Ижодкор шахс учун унинг миллати, оиласи, ота-онаси, ижтимоий аҳволи, наслий хусусиятлари ва оила тутимлари, эътиқоди каби

⁷ Abrams M.H. A Glossary of Literary Terms. Ninth Edition. – New York: Wadsworth Cengage Learning, 2009. – P. 18.

⁸ Қаранг: Бурсов Б. Писатель как творческая индивидуальность // Проблемы социалистического реализма. – М.: Сов. писатель, 1961. – С. 220–221.

⁹ Бахтин М. Автор и герой в эстетической деятельности. Собрание сочинений. Т. 1. – М.: Искусство, 2003. – С. 216.

омиллар ҳам муҳим ўрин тутиши мумкин. Ижодкор ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш жараёнида, бадиият қонуниятлари асосида уни онгли равишда “бузади”, “адолат юзасидан иш тутади”¹⁰. Карл Юнгнинг фикрича, муаллиф, бир тарафдан, ўз ҳаёти, шахсий қарашлари ва одатларига эга бўлган, иккинчи тарафдан, ижодкор шахс сифатида юқорида айтиб ўтилган жиҳатларига зид равишда чиқиши ҳам мумкин¹¹. Ҳақиқатдан ҳам қаҳрамонлар орасида ёзувчи характериға зид бўлган образлар учраши табиийдир. Бундай қаҳрамонларни яратиш муаллифдан жуда катта маҳорат ва кузатишлар талаб қилади. Ижодкор атрофидаги инсонлар характерини ўрганиб, уларнинг турли хил хислатларидан андоза олади. Демак, ижодкор шахс – қатор специфик хусусиятларға эга бўлган бадиий матн муаллифи. Агар ёзувчининг ижодий шахси тарихан ривожланган категория бўлса, демак, у даврлар давомийлигида ўзгариб боради. Худди шу каби ўзгариш XX аср бошлари адабиётшунослигида ҳам кузатилган ва барча субъектив қарашларни умумлаштирувчи “ижодий индивидуаллик” тушунчаси антропологик истилоҳ сифатида белгиланган. “Менинг ҳамма асарларим битта иқрорноманинг бўлакларидир”, деб ёзган эди И.В.Гёте, – мангу яшайдиган бир умрлик қоида бор – муаллифнинг шахсий иқрорлари ва эътирофларидан мутлақо холи бўлган санъат асарини топиш ғоятда мушкул...”¹² Шахсийлик бу ерда ҳаётнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган турли хил муносабатларда ўз-ўзидан келиб чиқади.

Ижодкор шахсни ўрганишда биографик омилларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Биографик омилларни яратишнинг иккита усули бор: Биринчиси, муаллифнинг шахсан ўзи томонидан берилган маълумотлар бўлса; иккинчиси, муаллиф ҳақида ёзилган хотира йўналишидаги асарлар ҳамда замондошлари ва авлодлари томонидан йиғилиб тўпланган маълумотлардир. Биринчи усулни ўқувчи кенгайтириб ўрганиши мумкин, яъни ёзувчининг биографиясини кўриб чиқиб, унинг асарларида ижодкор образи қай тарзда намоён бўлганини таҳлил қилиш мумкин. Ижодкор шахс томонидан тасвирланган олам, гарчи ўзининг шахсий ҳаёт тажрибалари умумлашмасидан иборат бўлса-да ижодкор шахс ўзлигидан алоҳида эмас. Воқеалар, ёзувчилар шахсий ҳаётгий фактлари асосида бевосита вужудга келган кўплаб бадиий асарлар сифатида инглиз адабиётида Жорж Байроннинг “Чайльд Ҳарольд зиёратлари”, “Дон Жуан”, Чарльз Диккенснинг “Девид Копперфильд”, Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” каби асарлари; немис адабиётида Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, рус адабиётида Лев Толстойнинг “Болалик, ўсмирлик, ёшлик”, Америка адабиётида Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол” каби асарлари мисол бўла олади. Ушбу асарларнинг ҳар бири ҳаётгий материалларни бадиий безатишнинг ўзига хос усули ва меъёриға эга. Аммо улардаги шахсийлик инсоннинг нуқтаи назарлари, фикрлари ва ҳис-туйғуларининг кенг доираси билан матн орқали

¹⁰ Умутов Х. Бадиий ижод асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 70.

¹¹ Jung C.G. Psychology and literature. The creative progress. Edited by Brewster Chisellio: Berkley and Los Angeles, 1952. – P. 229.

¹² Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 249.

қоришиб кетади. Бадиий асар қаҳрамонларининг бундай талқинида биографик омиллар яққол кўзга ташланади. Ижодкор фаолиятининг маҳсули саналган санъат асари нафақат бадиий ҳодиса, балки руҳий, маданий, фалсафий, тарихий, диний қадриятларни ўзида мужассам этган воқелик сифатида идрок этиб келинади¹³. Асар матнида бир қарашда китобхон учун сезилмайдиган, аммо бошқалардан ажралиб турувчи муаллифнинг ўзига хос “изи”ни сезиш қийин эмас. Бу “из” ижодкор шахсига хос бир қанча хусусиятларни ўзида жамлайди. Бу каби “из”ларни ўрганиш учун китобхондан ижодкор биографиясини яхши тушуниш талаб этилади.

Муаллиф таржимаи ҳолини унинг ижоди билан боғлиқликда ўрганишни ҳар бир миллат адабиётида учратишимиз мумкин. Бу борада рус олими В.Хализев шундай маълумот беради: “Муаллифнинг шахсияти ва унинг асарлари ўртасидаги боғлиқлик ёзувчиларнинг таржимаи ҳоли эътиборини жалб қилади. А.Моруанинг “Байрон”, В.Ф.Ходасевичнинг “Державин”, М.О.Чудаковнинг “Михаил Булгаковнинг ҳаёт чизгилари” асарлари шулар жумласидандир”¹⁴. Ижодкор истеъдоди, табиати, темпераменти, мижози, миллий ўзлиги, эстетик дидидан келиб чиққан ҳолда образга ёндашади. Адабиётшунос олим Ў.Носиров шундай ёзади: “Ижодкор шахснинг камол топишида талантининг ўзига хослиги, дунёқараши, оламни образли кўриш, кузатиш, бадиий савияси, ижодий нияти, эстетик принциплари, идеали, пафоси, бадиий метод кабилар алоҳида муҳим ўрин тутади”¹⁵. Ижодкор шахс қанчалик серқирра ва етук бўлса, у яратаётган образлар ҳам шунчалик мураккаб характердаги қиёфа касб этиши аниқ. Қолаверса, ўзи эркин, озод ва мустақил шахснинг ҳаётга, жамиятга муносабати, идрок тарзи бўлак, давр сиёсатига нисбатан исёни ҳам ўзгача бўлиб, қаҳрамон характерида муаллиф табиатидан кўчиб ўтган жиҳатлар етакчилик қилиши тайин.

Ёзувчининг таржимаи ҳолидаги индивидуал воқеалар умумий ижтимоий-эстетик аҳамиятга эга бўлади. Биографик методнинг бадиий асарларда тадбиқ этилиши (Шарль Огюстен Сент-Бёв)¹⁶ натижасида унинг фаолияти муаллиф таржимаи ҳолидан келиб чиқиб ўрганилиш тавсия этилди. Ушбу метод хусусида проф. Б.Каримов: “Биографик метод ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, руҳий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарни ёзишга туртки берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби қатор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради”¹⁷, деб тушунтириш берган.

Ижодкор бадиий эстетик концепциясида ижодий “мен” ва инсоний “мен” уйғунлиги жуда кўп бадиий асарларда намоён бўлади. Адиб шахсияти ва роман қаҳрамонлари орасидаги руҳий, ижтимоий-биографик, маънавий-

¹³Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабиёт қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида). Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2019. – 14 б.

¹⁴ Хализев В.Е. Теория литературы. 4-е изд. – М.: 2004. – С. 24.

¹⁵ Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 17.

¹⁶ Сент-Бёв Г. Литературные портреты. – М.: Худ. лит-ра, 1970. – С. 585.

¹⁷ Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ф.Ғулом, 2018. – Б. 166.

маърифий жиҳатдан боғлиқлик бўлса, демак, ижодкор шахс ўзининг шахсий ҳаётидаги воқеаларни асар сюжетида олиб киргани аниқ сезилади. Кўринадики, ижодкор шахс тушунчаси бевосита муаллиф таржимаи ҳоли билан ҳам, замон, ёзувчи яшаган муҳит, давр тафсилотлари билан ҳам боғлиқ.

Ижодкор шахс тушунчаси адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик атамаси орқали ифодаланар экан, бу икки тушунча ўзаро яқин бўлиб, синоним сифатида қўлланилиши ҳам мумкин. Бироқ ушбу жиҳатни ижодкор шахс тушунчасига илмий муносабатнинг шаклланиши жараёни сифатида тушуниш лозим. Шунингдек, ижодкор шахснинг шаклланиши нафақат ёзувчи биографияси, уни куршаб турган адабий муҳит, балки унга таъсир этган омиллар: анъана ва ўзига хослик, ворислик, адабий алоқалар¹⁸ кабилар билан ҳам мунтазам боғлиқликда ўрганилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “*Адабий қаҳрамон муаммосининг ўрганилишида гарбона ва шарқона қарашларнинг муштараклашуви*”га бағишланади. Бадиий асарда ижодкорнинг дунёқараши, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, мақсад ва вазифалари, фалсафий ёндашуви адабий қаҳрамонлар образлари орқали ифодаланади. Санъат ва адабиётдаги инсон образи дастлаб илоҳий кучлар билан боғланиб кўрсатилган. Қадимги эртак ва дostonларимиздаги Билгамиш, Алпомиш, Гўрўғли каби қаҳрамонларимиз ҳам илоҳий кучга эга бўлган образлардир. Абдулла Қодирий : “Бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср дoston ва ҳикоялари билан озиқланиб келадир”¹⁹ деб таъкидлаган эди. Бадииятга нисбатан шарқона қарашни шакллантирган манбаларда адабий қаҳрамон кучли, намунали, ўзининг кўп фазилатлари билан ўртак бўларли шахс сифатида гавдаланган. Гарбда эса юнон-рим санъати асарларида Зевс, Аполлон, Афина, Афродита, Дионис, Арес, Посейдон²⁰ каби маъбудларга сиғиниб, уларга ибодат қилишган. Улар ҳақида афсоналар яратилиб, эзгулик ва қудратлилик каби фазилатлар куйланган. Буюк Ҳомер ва қадимги юнон трагедиянавислари асарларидаги қаҳрамонлар (Прометей, Ахиллес, Гектор, Одиссей, Антигона) ўша даврлардаги юнон халқига хос бўлган қарашларни, ҳис-туйғуларни ўзларида мужассамлаштирган эдилар²¹. Инсонлар улардаги илоҳий куч ва сеҳрга ишонардилар, қойил қолардилар. Кўриниб турибдики, инсоният азал-азалдан қандай санъат асарида бўлмасин унда кучли қаҳрамон яратилиб, инсониятга хос бўлган фазилатлар унинг воситасида улуғланган.

“Санъаткорлар муайян шахсларни тасвирлайдилар, улар эса яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Негаки, шахсларнинг қандайлиги шу билан белгиланади, зеро, ҳамма одамлар характерларидаги иллатлари ёки фазилатлари жиҳатидан фарқланадилар. Улар биздан яхшироқ ёки биздан

¹⁸ Дюришин Д. Проблемы особых межкультурных общностей. – Москва: Наука, 1993. – С. 9.

¹⁹ Қодирий А. Ижод машаққати. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 12.

²⁰ Қаранг: Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016. 2-жилд. – Б. 23.

²¹ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 250.

ёмонроқ ёки ҳатто биздек бўладилар”²². Кўп ҳолларда китобхон бадиий асар ва ундаги воқеалар ёки ижтимоий муҳитни эмас, ундаги қаҳрамонларни эса сақлаб қолади. Ижобий қаҳрамонларнинг хислатларига эргашади, салбий қаҳрамонлардан нафратланади. Шундай экан, ижодкор у яратган қаҳрамонлари билан китобхонга танилади ва улар орқали ижтимоий-сиёсий куч таъсирига эга. Шунинг учун Шекспир ҳақида сўз кетганда Ҳамлет, Ромео, Жульетта, Қирол Лир, Отелло, Сервантес деганда Дон Кихот, Чарльз Диккенснинг ёдга олинганда Оливер Твист, Марк Твеннинг эслаганда Том Сойер каби адабий қаҳрамонлар беихтиёр тилга олинади. “У ёки бу бадиий асар қайси халқ ёки миллат ҳаёти ҳақида ҳикоя қилса, шу халқ ёки миллатнинг руҳини, анъаналарини, миллий белгиларини ифодалаши табиийдир”²³. Ҳар бир даврнинг адабий қаҳрамони ўша муҳит, ижтимоий ҳаёт ва миллат ҳақида ахборот беради. Унинг атрофидаги содир бўлаётган воқеалар заминида тарих ва давр тафсилотлари ётади. В.Белинский таърифлаганидек: “Ёзувчи қайси миллатга мансуб бўлса, унда ўша миллат руҳи ҳукмрон. Муҳит, шароитни тасвирлаш алоҳида мақсад эмас, чунки қаҳрамон шу муҳит, шароитда ҳаракат қилади ва яшайди. Бундан ташқари, ёзувчи урф-одатларни акс эттиришни алоҳида мақсад қилиб олмаган, у этнограф эмас, у этнографияни эмас, балки ҳаётни акс эттиради. Ҳар бир халқ поэзиясида мамлакат табиати (жойи) ва руҳи (миллати) акс этади”²⁴.

Адабиётшунос А.Улуғовнинг таърифича, адабий қаҳрамон ҳар доим адабиётнинг энг муҳим муаммоларидан бири саналади. Чунки адабиётнинг “қиёфа”си, унда одам ва олам манзаралари тасвири, аввало, адабий қаҳрамонларда акс этади²⁵. Ҳар бир даврнинг қаҳрамони ўша муҳит, ижтимоий ҳаёт ва миллат ҳақида хабар беради. Унинг атрофидаги содир бўлаётган воқеалар заминида тарих ва давр тафсилотлари ётади. Ёзувчининг ҳар бир қаҳрамонга бўлган муносабати бизда – ўқувчида ҳам шундай муносабат уйғотади: у қайси образ (тақдири)дан ҳаяжонга келса, йиғласа, айбласа, нафратланса, биз ҳам ҳаяжонланамиз, йиғлаймиз, айблаймиз, нафратланамиз²⁶. Қаҳрамонларнинг исмларидан тортиб кийинишларигача, руҳий кечинмаларидан тортиб урф-одатларигача, табиат тасвири буларнинг барчасида ёзувчининг миллий руҳияти акс этмасдан иложи йўқ. У.Тўйчиев бу масалада шундай изоҳ беради: “Миллий ёзувчи бошқа халқ ҳаёти ҳақида бошқа тилда ёзиши айб ва гуноҳ эмас, аммо у, барибир, бундай ҳолда ҳам ўз асарида ўз миллий ҳис ва миллий руҳидан бутунлай воз кеча олмайди. Миллийликсиз, байналминалликсиз адабиёт маънан ва шаклан қашшоқлашиб қолади”²⁷. Бунинг асосий сабаби эса унинг миллатига хос фазилатлар қонқонига сингиб кетганидандир. Умуман олганда, адабий қаҳрамон – бу ҳақиқатан ҳам содир бўлаётган маданий ва тарихий жараёнларни акс

²² Арасту. Поэтика. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 21-22.

²³ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 86.

²⁴ Белинский В.Г. Полн. собр. соч. Т. и 5. – М., Изд-во АН СССР, 1954. – С. 234.

²⁵ Улуғов А. Адабий қаҳрамон кадри // Жаҳон адабиёти. – Т., 2015. – № 5. – Б. 141.

²⁶ Умуров Х. Бадиий ижод асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 90.

²⁷ Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Т.: Янги авлод, 2011. – Б. 454.

эттирувчи маълум бир адабий даврнинг маълум бир рамзий тимсолидир. Адабий қаҳрамон нафақат уни яратган ёзувчининг, балки ўз даври гоёларининг ҳам ташувчисидир.

Адабий қаҳрамон яратувчиси бўлмиш ижодкор шахс хоҳ Европанинг таниқли адиби бўлсин, хоҳ шарқ мутаффакири, унинг мақсади инсоният дунёсини адабий қаҳрамонлар тимсолида акс эттиришдан иборатдир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Инглиз ва ўзбек шеърлятида ижодкор шахс ва лирик қаҳрамон муаммоси”** деб номланиб, унда Байрон ва Чўлпон шеърлятида муаллиф образи ҳамда лирик қаҳрамон муносабати, ижодий индивидуаллик ва адабий муштараклик масалалари тадқиқ қилинган. Жаҳон романтизмнинг асосчиларидан бири, инглиз шеърлятининг юксак намунаси бўлган Байрон ижоди ва унинг туркий халқлар, жумладан, ўзбек шеърлятига таъсири масалаларини ўрганиш учун муҳим таҳлил нуқтаси сифатида Чўлпон ижоди масалалари қиёсий аспектда белгиланган.

XX асрнинг 50-70-йилларида Байрон кўп адабиётшуносларга жаҳон адабиёти тарихида романтик шоир, эрк куйчиси бўлибгина қолмай, балки озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида танилди. Унинг адабиётшуносликда тутган ўрни ва умуман, жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ва янгиликлари беқиёсдир. Жаҳон адабиётида Байроннинг ижодини ўрганиб, унга ўз муносабатини билдирган байроншунос олимлар талайгина. Бутун жаҳон олимлари шоирнинг ҳар бир асарини турли ракурсда ўрганиб келишмоқда. Хорижий адабиётшуносликда тадқиқотчиларни, асосан, Байроннинг драматик мероси кўпроқ қизиқтирган, шоир асарларининг фалсафий томонига катта эътибор қаратилган (Ж.Эҳрштейннинг “Байроннинг метафизикаси”, 1976). Шунингдек, байроншунос олимлар В.Дикнинг “Байрон ва унинг шеърляти” (1918), Ж.Николнинг “Байрон” (1936) каби асарларини алоҳида таъкидлаш мумкин²⁸. Ўзбек адабиётига Байроннинг асарлари рус тили воситасида амалга оширилган таржималар орқали кириб келди. Шоирнинг шеър ва дostonлари жуда кўп ўзбек шоир, ёзувчи ва таржимонлар томонидан таржима қилинган²⁹.

Россияда Байрон яшаган давридаёқ унинг ижоди адабиётшунослар, танқидчилар, шоир ва адабий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Ижодининг дастлабки даврида шоирга тақлид қилган Лермонтовдек адиблар ҳам пайдо бўлди. А.С.Пушкин Байрондан фахрланиб, уни даҳо деб айтади³⁰. А.А.Григорьев уни ғамгин даҳо деб билади³¹. Ф.М.Достоевский у ҳақда шундай ёзади: “Унинг (Байроннинг) оҳангида инсониятнинг ўша давр қайғуси ва алданган умидлар янгради. Бу ўша давр қасос ва қайғу, лаънат ва умидсизликни янги ва эшитилмаган қирралари эди. Буларнинг барчасига

²⁸ Романчук Л. Новаторство в любовной лирике Байрона: <http://19v-euro-lit.niv.ru/19v-euro-lit/articles-eng/romanchuk-novatorstvo-bajrona.htm>. [Мурожаат санаси: 21.08.2020].

²⁹ Қаранг: Байрон. Сайланма. – Т.: Ғ.Фулом, 1974.

³⁰ Пушкин А.С. Байрон // Пушкин А.С. Собр. соч. в 9 т. Т. 7. – М.: Изд-во АН СССР, 1958. – С. 316-322.

³¹ Григорьев А.А. О правде и искренности в искусстве // Байрон Дж. На перепутьях былого... – М. – С. 380.

жавоб тариқасида байронизм руҳи тўсатдан пайдо бўлиб, бутун инсониятни камраб олди”³².

XX аср ўзбек шеърлятида Байрондаги каби шеърларида ижтимоий руҳ тарих саҳифаларидан юқори ўринларни эгаллашига хизмат қилган, замон ва миллатнинг буюк вакили сифатида танилган ўзбек шоирларидан Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1898-1938) ижодида яқинлик сезилади.

Чўлпон дунёқараши ва ижодининг шаклланишига аср бошларидаги демократик ўзгаришлар ҳамда жадиличлик ҳаракати катта таъсир кўрсатган. Чўлпоншунос олим Озод Шарафиддинов шоир ҳақида шундай ёзади: “Чўлпон нафақат темир иродали одам бўлган, унинг истеъдоди ҳам фавқулодда кудратга эга бўлган. Ер бағридаги булоқ ҳеч қандай тўсиқларни тан олмай, юзага ёриб чиққани каби Чўлпоннинг истеъдоди ҳам теваарак атрофдаги булутлар ҳар қанча қуюқлашиб, даҳшатли тус олмасин, зулматни ёриб чиқиб, Чўлпонни ижод қилишга мажбур этган. Бу Чўлпон шахсиятининг муҳим қиррасидир”³³. Айни шу сўзларда Чўлпон шахсиятига юксак ижодкорлик сингиб кетганини, унинг ҳаётида оила, яқинларига муносабат ва элдошларига ҳурмат сингари одатий инсоний туйғулар ҳам ижодкор шахс ғояси билан бошқарилганини кузатамиз.

Чўлпон ижоди бўйича хорижий давлатларда ҳам илмий тадқиқотлар амалга оширган Эдвард Оллворт, Й.Бензинг, Х.Самиоглу, Тоҳир Чиғатой, Ҳусайн Ўзбой, Темур Хўжа ўғли, Ҳалим Қора, Хисо Кўматсу каби олимлар Чўлпон адабий меросининг турли қирраларини таҳлил қилган бўлсалар-да, асосий эътиборни шоир Чўлпон ижодидаги миллатпарварлик, элсеварлик туйғуларига қаратишган. Ўзбекистонда Чўлпон ижодини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг салмоқли қисми адабиётшунос олимлар О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронов тадқиқотларига тўғри келади. Айни олимларнинг ишларида ҳам Чўлпондаги халқ ва миллат севғиси, ўз юрти ва динини улуғвор деб билишлик туйғулари унинг шеърларида марказий ўринни эгаллаши баён қилинган. Булардан ташқари, “Чўлпонни англаш” йўлида бир қатор ўзига хос тадқиқотларни юзага чиқарган Н.Йўлдошев, С.Йўлдошбекова, Ш.Тўйчиева, У.Султонов, Д.Неъматова, М.Йўлдошев сингари олимлар илмий тадқиқотларида Чўлпон поэзиясида бадий образлар талқини, маъноси ва аҳамияти масалалари ҳамда театр ҳақидаги қарашларининг илмий-назарий ва бадий аҳамиятига доир ғоялар мазмуни ўз аксини топган³⁴. Аммо бу тадқиқотларда Чўлпон ижоди Байрон лирикаси билан қиёсий аспектда ўрганилмаган.

Кўриниб турибдики, Ғарб ва Шарқ шеърлятида чарақлаган юлдузлардан Байрон ва Чўлпон ижоди неча йиллардан бери олимлар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Жаҳон адабиётида байроншунослик, ўзбек адабиётшунослигида чўлпоншунослик мактаблари мавжуд. Байрон номи

³² Достоевский Ф.М. Дневник писателя. – М.: Институт русской цивилизации, 2010. – С. 678.

³³ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ НМАК, 2004. – Б. 44.

³⁴ Ўроқова О. Чўлпон бадий ижодининг концептуал-эстетик асослари. Фалс. фан. бўйича фалс. докт (PhD) дисс. автореф. – Т., 2018. – Б.6

“романтизм” билан ҳамнафас юрса, Чўлпон исми бевосита жадидчилик ғоялари билан боғлиқдир.

Дастлабки бобда ижодкор шахс шаклланишидаги омиллардан бири оилавий турмуш ва ижодий муҳит эканлиги таъкидланган эди. Байрон биографларининг аниқлашича, шоир юқори табақа лорд оиласидан бўлган. Унинг атрофидаги кишилар ҳам камбағал кишилар эмас, ўзига тўқ, юртни сўраган аёнлардан бўлган³⁵. Чўлпон ҳаётини чуқур ўрганган олимлар О.Шарафиддинов ва Н.Каримовнинг ёзишича, Чўлпон ўзига тўқ, бадавлат оилада тарбияланган³⁶. Чўлпон шажарасини тиклаган проф. Ҳ.Болтабоевнинг шоир синглиси Фойика ая хотиралари асосида ёзишича, унинг отаси Андижоннинг “тўрт устунидан бири бўлган” Сулаймонқул баззоз, яъни савдогар бой бўлган. Шунга қарамай, Волайи расво тахаллуси билан ғазаллар битган, девон тартиб берган. У ўғлининг етук билимли ижодкор бўлиши учун ҳамма шароитни яратиб берган. Ҳатто ёлғиз ўғлини Қуръони карим хатмидан сўнг рус-тузем мактабига берган, турк ва татар муаллифларини ёллаб, унга миллий илмлардан сабоқ бердирган. Бундай тўкин шароитда яшаган шоир замондошлари асарларида кўрсатилгани каби бойликка берилган ёки отаси бойлигини тийиқсиз сарф³⁷ қилган бетайин шахс бўлиб чиқмади. Аксинча, отаси яратган шароитдан унумли фойдаланиб, ўз илми ва ижодини миллат йўлида сарфлади. Машҳур сиёсатчи ва олим Заки Валиди Тўғон “Хотиралар”ида ёзишича, у 1913 йилда ёш Абдулҳамиддан мактуб олиб, унинг таклифи билан Андижонга келади, унинг опаси билан танишади. 15 ёшлик ўсмирнинг қўлида ўз замонининг етук нашрлари “Таржумон” ва бошқаларни, ҳатто француз тилидаги газеталарни кўриб ажабланади ва бу закий ўсмирнинг келажаги ҳақида башорат қилади.

Кўринадикки, ҳар икки улуғ шоир биографиясидаги дастлабки жиҳат ташқи ўхшашлик, яъни оила муҳити унинг етук инсон бўлиб тарбияланишига ва ижодкор шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатган. Қолаверса, ижодкор шахс нафақат оила муҳитида, балки ижтимоий ҳаётда тарбияланар ва камол топар экан, мана шу омилга академик Б.Храпченко алоҳида аҳамият қаратган. Байроннинг ҳам ўз юртида кўрганларидан қоникмай саёҳатга чиқиши, ҳатто урушларда қатнашиши унда етук жанговор сифатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган. Чўлпон ҳам оиласидаги тўкин шароитга қарамай, 17-18 ёшларида аввал Тошкентга, кейинроқ Уфага боради. Заки Валиди Тўғонга қотиблик қилади, 1917-18 йилларда Туркистон мухториятини қўлга киритишда қатнашади, ҳатто 20 ёшли шоирнинг “Гўзал Туркистон” шеъри мухториятнинг давлат мадҳияси сифатида ижро этилади.

Байроннинг “Чайльд Ҳарольд зиёратлари” асарига унинг саёҳати, жангу жадаллардаги иштироки ва ёшлиқда кўрган-кечирганлари қанчалик таъсир кўрсатган бўлса, юқоридаги каби омиллар Чўлпон шеъриятига, айниқса, “Бузилган ўлкага”, “Халқ” шеърлари ва шу йўналишда миллат озодлигини

³⁵ Александров Н.Н. Джорж Байрон. Его жизнь и литературная деятельность. – М.: Директ-Медиа, 2014. – С. 47.

³⁶ Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. – Т.: Фан, 1991. – Б. 35.

³⁷ Валидов, Ахмет-Заки. Воспоминания: Книга II. – Уфа: Китап, 1998. – С. 53.

истаган асарларига ўз таъсирини кўрсатган. Демак, ижодкор шахсияти шаклланишига таъсир кўрсатган биографик омил таҳлилдаги икки улуғ шоир фаолиятида ҳам ўз аксини топган. Табиийки, ҳаётини асос шеърга кўчиши натижасида ҳаёт воқеаларини акс эттирувчи гўзал лавҳалар ёритилган, шоир шеърлигидаги ижтимоий руҳ мана шу каби ҳаётини асослар натижасида шаклланган.

Адабиётшуносликда Ғарб ва Шарқ поэтикасининг ижодкор шахсияти ва бадиий асар услубининг муштараклиги масаласига жиддий эътибор қаратилган. Инглиз ва ўзбек адабиёти услубий янгиланишларининг юзага келишига муҳим омил бўлган манбалар, Шарқ ва Ғарб адабиёти таъсирини ўрганиш асосида илмий-назарий хулосаларга келиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Байрон ва Чўлпон шеърлиги руҳини ўрганар эканмиз, уларда муаллифнинг шахсий кечинмалари атрофлича акс этганини пайқаймиз.

Байроннинг “Чайльд Ҳарольд зиёратлари” поэмасида Чайльд Ҳарольд образи ҳақиқатдан ҳам Байронга яқин эди: муаллиф ҳам бир мунча вақт дунёвий жамиятда яшади, лекин кейин унинг бундан кўнгли қолди. Бундан ташқари, дoston қаҳрамони шоир ва куйчи эди. Ватан билан видолашув мисраларида ёлғизлик ва номаълум масофага шошилиш ғояси янгради:

Welcome, welcome, ye dark blue waves!
And when you fail my sight,
Welcome, ye deserts, and ye caves!
My Native Land – Good Night!³⁸

Таржимаси:

Мовий тўлқинлар, салом!
Кўз нурларим фидо
Чўллар, ғорлар, ассалом,
Ватан сенга, Алвидо!

Проф. Д.Қуроновиқнинг ёзишича: “1914 йилнинг апрелида Чўлпон отаси билан “Садойи Фарғона” газетасининг Андижондаги вакили бўлиб турган. Айни шу вақтда, 1914 йилнинг апрель ойида, Тошкентда чоп этилган “Садойи Туркистон” газетасида унинг “Туркистонли қардошларимизга” номли шеъри ва “Қурбони жаҳолат” ҳикояси эълон қилинган. Шу шеърлида шоир ўз даврининг долзарб муаммоларини жуда таъсирли мисраларда баён этади:

*Илму маърифат ҳам ҳунардин қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиққан бизни халқ.
Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар “дахрий” деб,
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ³⁹.*

Бу мисраларда шоир шеър талқинини тўғридан-тўғри ўз шахси номидан, ўз тилидан рўёбга чиқариб, “бизнинг халқ”, дея ўз халқи, миллати номидан гапиряпти ва бунда шоир “мен”ининг мавқеи, албатта, яққол, очик-ойдин

³⁸ Byron G. Child Harold's Pilgrimage. – Chicago: Conkey company, 1900. Canto 1. – P. 31.

³⁹ Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж. I. – Т.: Академнашр, 2016. – Б. 14.

идрокланиб турибди. Демак, келтирилган парчалар Чўлпоннинг шоирона “мен”ининг ижтимоийлашувида, шахсий дарднинг умумхалқ дарди билан уйғунлашувида кўринади. Бу ижодкор шахснинг шаклланиш жараёни эмас, балки шаклланган юксак ижоднинг шеърхонларга таъсири даражасида қаралмоғи керак. Чўлпондаги юксак жанговар туйғулар тўғридан-тўғри Байрондан кўчмаган бўлса ҳам, шоир Пушкин шеърятини яхши билган, унинг гўзал намуналарини таржима қилган. Эҳтимол, юқорида рус мунаққиди “байронизм” деб атаган жиҳат Пушкин воситасида Чўлпон шеърятига кўчган бўлиши мумкин. Чунки “байронизм” шундай рухий-ижодий жараёнки, у шоирнинг потенциал имкониятларига қувват беради⁴⁰. Ушбу фикрни ўзбек шеърятига ҳам кузатиш мумкинки, “Байронизм” – деб ёзади проф. Ҳ.Болтабоев, – дунёни ўзгача эмоционал-концептуал идрок этиш, романтик дунёқарашга асосланиш, ҳаётда ёвузликни енгиб йўқ қилиб бўлмаслик, ёвузлик ва эзгулик орасидаги мангу кураш ва дунёни “ғам тўла олам” ракурсига кўриш Байронга хос хусусиятдир. XIX аср ўрталаридан байронизм бутун Европа қитъасини эгаллаб, Россиядаги ижодий муҳитга ҳам ўз таъсирини кўрсатган”⁴¹. Пушкин ва Лермонтовдай рус шоирларини ўзига тортган ижодий муҳит, Чўлпонга ҳам бегона эмас эди.

Олмониялик тадқиқотчи Вали Зуннуннинг “Чўлпон ва ўзбек адабий қаршилик ҳаракати” номли мақоласида Чўлпоннинг “Чиғатой гурунги”даги фаолиятини кўрсатишга ҳаракат қилади. У Чўлпон ҳақида: “Чўлпоннинг халқ олдида обрўси шу даражада орттики, шоир Туркистоннинг Байрони бўлиб қолди” деган фикрни билдиради⁴².

Гарчи Байрон ва Чўлпон бир даврнинг ҳамда бир мамлакатнинг шоирлари бўлишмаса-да, иккисида ҳам ижодий индивидуаллик белгилари жуда эрта куртак ёзганини ва ҳаётлари давомида дастлабки босқичда шаклланган ижодий дастурларига содиқ қолганини ҳамда дунёни эрта тарк этган эсалар-да, бу ўзига хослик тимсоли сифатида бошқа адибларга намуна бўлганини кузатамиз. Икки адиб икки турли қитъа, турли замон, турли миллат вакиллари бўлишига қарамасдан, уларнинг шеърларида ўзига хос муштараклик жиҳатлари мавжуд, чунки икки адиб ҳам ўз ватани равнақи, истиқлоли учун курашган ва шунинг учун неча асрлар ўтиб боряптики, уларнинг асарлари адабиётнинг нурли бўстонида қолиб, асрдан асрга ўтиб бораверади.

Учинчи боб “**Насрий асарларларда эпик қаҳрамон ва унга муаллиф муносабати**” деб номланиб унда Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирий романларида тарихийлик ва бадиийлик концепцияси ҳамда тарихийлик ва адабий қаҳрамонга ижодий муносабат масалалари таҳлил қилинган.

XIX аср инглиз адабиёти тарихида Вальтер Скотт алоҳида ўрин тутди. Унинг инглиз романтизмнинг гуллаб-яшнаган даврига оид тарихий асарлари романтизмдан реализмга ўтишнинг бошланғич босқичларини

⁴⁰ Спасович В.Д. Байронизм в Пушкине и в Лермонтове. – Вильнюс, 1991.

⁴¹ Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2020. – Б. 47-48.

⁴² Reforms Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. edited by Timur Khoja. Sota. – Harlem, 2001. – P. 240.

белгилаб берди. Ёзувчи адабиёт тарихида реализмнинг аниқ ифодаланган хусусиятлари билан бир қаторда тарихий роман яратувчиси сифатида из қолдирган.

Рус танқидчиси В.Г.Белинский: “Вальтер Скотт янги Европа санъатида тарихий ижтимоий йўналишни очди, аср санъатига тарихий йўналиш очиш замонавий ҳаётнинг сирини топиш демакдир”,⁴³ – дея таъкидлайди. Бу Вальтер Скоттга берилган жуда катта баҳо эди. Вальтер Скотт романлари XIX аср ижтимоий роман жанрининг ривожланишидаги муҳим босқич бўлди. Бальзак унинг тарихий романларини бадиий мукамаллик белгилари деб ҳисоблаган бўлса, Стендаль уни замонавий роман ёзувчиларининг отаси деб билди. Гёте уни мисли кўрилмаган буюк истеъдод эгаси дея эътироф этса, Пушкин “Шотландия сеҳргари” деб атаган⁴⁴.

Вальтер Скотт ҳаёти давомида чинакам дунё шуҳратини бошдан кечирган адабиёт тарихидаги биринчи ёзувчи эди. “Унинг асарлари Париж, Стокгольм, Варшава, Милан ва Москвада сабрсизлик билан ўқилади ҳамда таржима қилинади... Математик ўз масаласининг ечимини қолдириб, Скоттнинг романини ўқиб тугатишга киришарди; Скотт романини ўз қўлига олган хоним балга боришдан воз кечарди; тарихчи Скоттдан ёзишни ўрганди; файласуф ўзи учун фақат мавҳум ва зерикарли изланишлар билангина тушунарли бўлган инсон қалбининг бундай сирларини Вальтер Скотт маҳорат билан очганига ҳайратда қолди”⁴⁵. Европанинг турли бурчакларидан ҳам юз минглаб китобхонлар Вальтер Скоттнинг тез фурсатларда бир нечта тилларга таржима қилинган ва кўплаб нашрларда чоп этилган янги асарларини сабрсизлик билан кутардилар. Рассомлар унинг асарларини мадҳ этиб расмлар чизар, бастакорлар эса мусиқа басталардилар. Юзлаб европалик ёзувчилар “Вальтер Скотт услубида” роман яратишга уриндилар. Ярим аср давомида Вальтер Скотт буюк инглиз драматурги Уильям Шекспир сингари тарихни жонли ифода эта олган ва китобхонларни ҳайратлантирган тарихчи сифатида танилиб келди⁴⁶. Шунинг учун ҳам у инглиз адабиётида “тарихий роман асосчиси” дея тан олинган ёзувчидир.

Тарихий асар халқ ва жамият тараққиётида муҳим рол ўйнаган машҳур шахслар ҳаёти асосида яратилади; ўз прототипига эга бўлган тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятининг ёзувчи эстетик идеали билан боғлиқ қирралари асарда акс этган бўлади. Бундай романларда тўқима образлар ёки тарихда ўз прототипига эга бўлган персонажлар характерини яратиш жараёнида тарихий воқеаларни китобхон кўз ўнгида гавдалантириш, уларга миллий руҳ бағишлаш ва тарихий шахсларни миллат қаҳрамони даражасига кўрсатиш тамойили устуворлик қилади.

Фарб ва Шарқ бадииятида тарихий роман ҳам ўз мавқеига эгаки, бу туркумдаги романлар қайси юрт бўлмасин, ўша мамлакат ўтмишидан дарак беради. Аждодлар бошидан кечирган воқеалар силсиласи авлодлар кўз

⁴³ Белинский В.Г. Полное собрание сочинений. – М.: Изд-во АН СССР, 1956. Т. 6. – С. 278.

⁴⁴ Скотт В. Собрание сочинений в двадцати томах. – М.-Л.: Художественная литература, 1960. Т. 1. – С. 9.

⁴⁵ Долинин А. История, одетая в роман. – М.: Книга, 1988. – С. 7.

⁴⁶ Берт Д. Вальтер Скотт / Берт Д. Сто лучших литераторов. – М., 1999. – С. 322.

ўнгида гавдаланади. Ўзбек адабиётида ҳам жадидчилик даврининг улус намояндаси сифатида танилган ёзувчи, шоир, драматург ва публицист, шунингдек, ўзбек адабиётида тарихий роман жанри асосчиси Абдулла Қодирийнинг жадидчилик ғоялари билан суғорилган асарларида халқнинг забун ҳолатидан куйиб сўзлайди, миллатни уйғонишга даъват этади, фикрлашга чорлайди. Инглиз адабиётида Вальтер Скотт, ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий тарихий роман асосчилари сифатида тан олинган.

Проф. Б.Каримов шундай ёзади: “Абдулла Қодирий ёзган асарлар хусусида ўша даврнинг Вадуд Маҳмуд, Абдурахмон Саъдий, Миёнбузрук Солиҳов каби мунаққидлари матбуотда турли йўсинда фикр билдиришди. Сотти Ҳусайннинг “Ўткан кунлар” романи танқидига бағишланган алоҳида китоби босилди. Ойбек эса “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” номли махсус тадқиқот ёзди”⁴⁷. Мустақилликдан сўнг эса, Қодирий таржимаи ҳолининг шу пайтгача ошкор этилмаган қирралари янги маълумотлар билан тўлдирилди.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида кўплаб инглиз ёзувчилари ўзларининг асарларини аноним тарзда ёки исмлари ўрнида тахаллус қўллаб нашр этишган. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳам бундай чоралар кўришган⁴⁸. Вальтер Скоттнинг ҳам дастлабки тарихий романи – “Уэверли” (1814) аноним тарзда чоп этилди. Абдулла Қодирий ҳам ўз асарларига турли хил тахаллус билан имзо қўйгани маълум. Адиб ўз ижодий фаолиятида йигирмадан ортиқ тахаллуслардан фойдаланган. Бироқ ёзувчининг тахаллуси (лақаби) қанчалик кўп ва турлича бўлмасин улар орасида адиб ижодига хос ва мос ягона тахаллус Жулқунбой бўлиб қолган, унинг барча шон ва шуҳрати ушбу тахаллусда жамланган⁴⁹.

1745 йил Шотландия тарихида эса қоларли йил бўлган, чунки бу тоғли ўлка ўз қиролини инглиз тахтига қўйиб, тўлиқ мустақиллигини ҳимоя қилиши лозим бўлган. XVIII асрнинг бошларида инглизлар парадоксал сулола танловига дуч келишди: тахтда Шотландия ёки Германия қироли, Стюарт ёки Ганновер, католик ёки протестант танланиши керак эди. Шу сабабли инглизларнинг сиёсий позицияларида худди ўша чалкашликлар вужудга келди. Тарихий воқеаларни Вальтер Скотт ўз романида инглиз зодагонлари оиласидан бўлган Уэверлилар сулоласи мисолида кўрсатди. Асар қаҳрамони бўлмиш Эдвард Уэверли бу аждодлар жангида унинг қурбонига айланади.

Вальтер Скотт тарихий жараёнларни эмас, китобхон учун қизиқ ва долзарб бўлган давр воқеаларини тасвирлашни мақсад қилиб қўяди. Ёзувчининг муҳим бадиий кашфиёти қаҳрамон тақдирини тасвирланаётган замон хусусиятлари билан уйғун ҳолда кўрсатгани билан белгиланади. “Тарихий романда муҳим воқеаларни қайта ҳикоя қилиш эмас, балки ушбу воқеаларда қатнашган қаҳрамонларни бадиий кашф этиш муҳим аҳамиятга

⁴⁷ Каримов Б. А. Қодирий (1894-1938). “Ўткан кунлар”. Шарҳ // Жаҳон адабиёти. – Т., 2013. – № 4. – Б. 143.

⁴⁸ Долинин А.А. История одетая в роман: Вальтер Скотт и его читатели. – М.: Книга, 1988. – С. 24.

⁴⁹ Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2004. – Б. 9.

эга”⁵⁰. Лукачнинг фикрича, инсоннинг “кичик ... муносабатлари” “жаҳон тарихининг буюк монументал драмалари”га мазмун беради. Скотт романида қаҳрамонларни олтмиш йил аввалга ва кейинга қўйиб қиёслаб тасвирлаганини ҳам кузатиш мумкин. Ёзувчи халқнинг ҳақ-ҳуқуқли бўлишини маъқуллагани билан инқилобий ўзгариш уни чўчитар эди. У ҳақиқий тарихий романни яратиш шартларидан энг асосийси тарихий аниқлик деб билган. Шунингдек, тарихий асарларини яратиш давомида тарихий ёдгорликларни, ҳужжатлар, урф-одатлар, ўша давр кийим-кечакларини диққат билан ўрганиб чиқди.

1917 йилнинг охирларига бориб, большевиклар тузумининг берган ваъдасига ишонган ўзбек зиёлилари, жадидчилар Туркистон мухториятини туздилар ва уни Қўқондаги расмий мажлисда таъсис этдилар. Мамлакатдаги тарихий ўзгаришларни Абдулла Қодирий кўрмаслиги, булардан юраги ачинмаслиги мумкин эмас эди. Унинг назарида тарих қайтадан жонланаётган эди. Шу сабабли унинг ёдига қирғинбарот хон замонлари келиб, роман материални хон замонлари давридан танлади.

Ёзувчи турли даврларни тасвирлашда, тарихий ҳаракат қонунлари ҳақидаги тушунчаларини баён этишда ватан ўтмишини ёдга олиб, айниқса, халқ ҳаракатларини тасвирлашга эътибор беради. Бунга асосий сабаб ёзувчининг инсонлар тақдири билан қизиқишидир, шунинг учун у ўз қаҳрамонларини ўша халқ ва тарихий воқеаларга таянган ҳолда яратади.

Вальтер Скотт ўтмишни ўз ҳолича эмас, балки замон билан боғлаган ҳолда тасвирлайди. У ўтмишни замонавийлик манбаи сифатида кўрсатиб, ушбу алоқани қайта тиклайди. Адиб ўз замондошлари учун одатий масални эмас, балки ўз даврида юз бераётган воқеаларнинг узоқ сабабларини синчковлик билан кузатади ва асл сабабларини ана ўша ўтмишдан топади. Вальтер Скоттнинг “Уэверли ёки 60 йил аввал” романи 1745 йилдаги шаҳзода Бонни Чарли раҳбарлигидаги кўзғолондан бошланиб, 1805 йилда у яшаб турган замонидан 60 йил ортга қайтади. Шу сабабли ҳам асар “60 йил аввал” деган тагсарлавҳа билан чоп этилган.

Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи 1919-1920 йилларда ёзилиб, 1848-1861 йиллардаги воқеаларни акс эттиради. Агар асарни 1920 йилда тугатилганини ҳисобга олсак, муаллиф воқеалар тасвирида 72 йил ортга қайтади. Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирийнинг дастлабки романларида яқин ўтмиш, роман ёзилаётган пайтдан тахминан 50-60 йиллар аввалги воқеалар қаламга олинган. Бу ҳар икки ёзувчи томонидан турлича изоҳланса ҳам, бироқ адиблар яқин ўтмиш воқеалари баёнида тарихий ҳужжатлар билан бирга ўша воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган кишиларнинг хотираларига таянган. Роман шу жонли хотиралар асосига қурилгани учун ҳам у эҳтирос билан ўқилади, китобхон кўзи ўнгида яқин тарихдаги таниш қаҳрамонлар янги талқинда гавдалантирилади.

Ҳар икки адиб тарихий романларида гарчи ҳужжат ва манбалар асосида иш кўрилгани билан етакчи қаҳрамонлар кучли характер эгалари қилиб

⁵⁰ Lukács G. The Historical Novel. – London: Merlin Press, 1962. – P. 42.

тасвирланган. Улар ўз нияти йўлида тўсиқлардан қайтмайди, аксинча, уларни енгиб ўтиш учун баъзан афсонавий кураш йўлини танлайди. Бироқ қанча кучли шахслар бўлмасин тарих ҳақиқати олдида содиқ қолади, улар мамлакат тарихини ўзгартира олмайди. Муаллифлар нияти ҳам яқин ўтмиш воқеаларини бор ҳолича китобхон кўзи ўнгида тирилтиришдан иборат бўлгани учун тарихдаги бурилиш нуқталари тасвирида ҳар бир адиб ўзига хос йўл тутади.

Гарчи Қодирий Скоттдан кейин яшаган бўлса-да, у тўғридан тўғри Скотт романларини ўқигани ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Бироқ бошқа бир факт борки, унга кўра, Скотт романлари АҚШ да машҳур бўлган бир пайтда араб адиби Жўржи Зайдон Америкада яшаган. Инглиз адабиётидан чуқур хабардор бўлган араб адиби ўзининг ўн тўққизта романини ислом тарихига бағишлаган. XX аср бошларида эса Жўржи Зайдон романлари машҳур бўлиб, улардан айримлари туркий тилларга, масалан, турк ва озарбойжон тилларига таржима қилинган. Қодирийнинг ёзишича, у Жўржи Зайдон романларини севиб ўқиган, хатто Ҳабибулла Қодирий “отам Жўржи Зайдонни ўз устози” деб атаган⁵¹ каби қайдларни келтиради. Ушбу фактлар кўрсатадики, Скотт ва Қодирий романларидаги умумийлик бевосита адабий таъсир йўли билан эмас, балки билвосита араб тарихий романчилиги воситасида кечган.

“Драматургияда ижодий индивидуаллик ва унинг бадиий инъикоси” деб номланган тўртинчи бобда Бернард Шоу ва Абдурауф Фитрат драмаларида тарихий шахс ва бадиий образ муносабати ҳамда Шоу ва Фитрат драматургиясида эпик концепция ва унинг ифодавийлиги масалалари тадқиқ қилинган.

Драматик асарларда ижодий индивидуалликнинг акс этиши эпик ва лирик асарларга нисбатан фарқли тарзда намоён бўлади. Чунки эпик асарларда ижодий индивидуалликнинг акс эттириш майдони кенг, муаллиф турли образ ва баён воситалари орқали индивидуалликни ифода қилишда гоҳ хикоя қилиш усулларида, гоҳ образлар тизимидан, гоҳида эса сюжет унсурларидан фойдаланиш имкониятига эга. Драмада асосий матн қаҳрамонлар нутқи ва ҳаракатидан иборат бўлгани учун ижодкор шахс ва унинг индивидуал сифатлари асар қаҳрамонлари табиатига ёки воқеалар гирдобига сингдирилган ҳолда ифодаланади. Бу ҳақда Проф. В.Е.Хализев ёзади: “Драматик асар эпизодик тарзда воқеалар қатори, кишиларнинг ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларини ташкил қилади. Худди эпик асардаги каби “ривожланаётган ҳаракат қонунияти” (Гёте)га бўйсунса ҳам, драмада воқеаларнинг кенг тасвирий баёни кузатилмайди. Муаллиф нутқи бу ерда ёрдамчи ва эпизодик характерга эга”⁵².

Европа драматургияси ўзининг қарийб уч минг йиллик тарихида ижодкор “мен”ини ифодалашнинг турли восита ва имкониятлари доирасида

⁵¹ Қодирий Ҳ. Отам Ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 76

⁵² Хализев В.Е. Драма / Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. – М., 1999. – С. 87.

иш кўрган. Антик драматургиядаги хорнинг вазифаси, мумтоз драмалардаги ремарка ва хроникалар XIX асрнинг охирига қадар ижодкор индивидуаллигининг ифодаси вазифасини ҳам ўз зиммасига олган. Айни жараён инглиз драматургларининг заковати билан икки аср бўсағасида янгича тус олди ва бу адабий жараёндаги ўзгаришлар жаҳон адабиётига, жумладан, ўзбек драматургиясига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қўймади. Бернард Шоу драматургия билан бир қаторда мусиқа ва театр танқидчиси сифатида фаолият юритди, жамоат арбоби сифатида Лондон иқтисодиёт ва сиёсатшунослик мактабининг асосчиларидан бирига айланди. Инглиз театрининг Шекспирдан кейинги иккинчи ўринда турувчи машхур драматурги сифатида эътибор топди. Унинг асарлари инглиз маданиятининг энг ёрқин ва характерли ҳодисаларидан бирига айланди ва XIX аср охири – XX аср бошларида миллий ва Европа драматургияси тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

АҚШдаги Йель университети профессори Харольд Блум Бернард Шоу ижоди ҳақида: “Though an intellectual dramatist, Shaw essentially popularized the concepts and images of others. He continues to hold the stage and might appear to have earned his reputation of being the principal writer of English comic drama since Shakespeare”⁵³. “Интеллектуал драматург бўлса ҳам, Шоу, асосан, бошқаларнинг тушунчалари ва образларини оммалаштирди. У сахна асарининг обрўйини ушлаб туришда давом этмоқда ва Шекспирдан кейин инглиз комик драмасининг ижодкори сифатида ўз обрўсига эга бўлди. У нафақат инглиз, балки жаҳон драматургиясига ҳам беқиёс ҳисса қўшди” деб ёзган.

XX аср бошларидаги Туркистон ҳаёти айтиш мумкинки, ўзининг “ойнаси” ҳисобланган драматургияда кенг акс этган. Чунки халқнинг тилидагини эмас, дилидаги – ҳаётнинг туб заминида гирдобланиб ётган, бир кунмас бир кун елкасига офтоб тушиши муқаррар бўлган адолатни куйлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёзувчилар учун театр труппалари энг қулай ижодий воситага айланганди.

Жадид драматурглари Бехбудий, Авлоний, Ҳамза, Ҳожи Муъин кабилар қаторида адиб ва олим, драматург ва публицист Абдурауф Фитрат (1886-1938) ҳам бор эди. Ўз даврида кечган тарихий воқеаларни ўз асарларида бадиий ва ишонарли акс эттириш мақсадида Абдурауф Фитрат эътиборини драматургияга қаратди⁵⁴.

Бу даврда ўзбек драматургияси миллий адабиётнинг энг фаол адабий турига айланган, реалистик наср ҳали шаклланмай туриб, драматургия ўз зиммасига қатор ижтимоий-маърифий ва бадиий-эстетик вазифаларни олган эди. Бундай вазифани ўз асарларида тасвирлашга, янги воқелик ва унинг самараларига муносабатини ифодалаш орқали Фитрат миллий маданиятни юксакликка кўтаришга интилди. Драматург яратган сахна асарлари

⁵³ Bloom H. Bernard Shaw / Bloom's modern critical views. – New York, 2011. – P. 1.

⁵⁴ Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 18.

томошабинлар томонидан катта ҳаяжон билан кутиб олинди, даврнинг энг истеъдодли адиблари Чўлпон⁵⁵, Вадуд Маҳмуд⁵⁶ ва бошқа мунаққидлар Фитрат драмаларига тақризлар ёздилар. Фитратнинг драмалари негизида ўз даврида фош этилмаган ва фош этила олинмаётган ҳақиқатни тасвирлаш мақсад қилиб олинган эди⁵⁷.

Ғарб ва Шарқ драматургиясида Шоу ва Фитрат драмаларининг пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этди. Тарихий ҳақиқатни асл қиёфасида жонлантириш масаласи Шоунинг “Цезарь ва Клеопатра” драмасида ўз аксини топган. Рус олими П.Балашов Шоу драмасининг бу хусусиятини шу тарзда қайд этган: “Цезарь ва Клеопатра” тарихий пьесасида аниқ вақт мавжуддир. Ўзи яшаган давр воқеаларига эътибор бермай, ўтмиш ҳақида ёзиш Шоу учун осон бўлмади⁵⁸. Шоунинг замонавийликка тўғридан-тўғри ва билвосита муносабати драматургда ақлли, қатъиятли, худбин бўлмаган ва ғайриоддий мафтункор одам сифатидаги Цезарь образини яратишга сезиларли таъсир кўрсатди.

Бернард Шоу Клеопатрани ёш қаҳрамон сифатида тасвирлашининг асосий сабабларидан бири ҳам ҳали гўдак бўла туриб тахтга ўтирган ва бошқариш нималигини билмасдан вазирларнинг қўлларида кўғирчоқ бўлиб қолган қирол ҳамда қироличаларнинг аянчли тақдирини ифодалашдан иборатдир. Бу ҳолат Шекспир драмаларида ҳам кузатилган эди. Айти ҳолат Фитратнинг “Абулфайзхон” асарида кучли бир суратда намоён бўлган. Бухоро хони Абулфайзхонни ўлдириб, унинг ўрнига норасида ўғли Азизни хон кўтариш орқали Раҳимбий оталиқ мамлакатни буткул ўз қўли остига олишни режалаштирган эди.

Бернард Шоунинг “Цезарь ва Клеопатра” драмасида қадимги Мисрда балоғатга етмаган шахзода ва маликаларнинг қўлларига топшириб қўйилган халқ тақдири ифода этилган бўлса, Фитратнинг “Абулфайзхон” фожеасида Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили бўлмиш Абулфайзхон бек ва амирлар қўлида кўғирчоқ хонга айлангани ўз ифодасини топган. Абулфайзхон Бухоро тахтини манфур йўл билан эгаллаган эди. У ўзининг акаси Убайдуллоҳхонни фиску фужурлар билан ўлдиртириб мақсадига эришади. Абулфайзхоннинг акаси Убайдуллоҳхон Бухоро тахтида ўтирган пайтда ўлкада ғоят танглик ҳолати вужудга келган эди. Қалмоқлар қозоқ ва қирғизларга қарши ҳужум бошлаб, Бухоро хонлигини катта ташвишга солиб қўйган. Фитрат Бухоро тарихидаги худди шу воқеаларни ўз асарига мавзу қилиб олиб, унинг чинакам бадий ифодасини беришга, яъни тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантиришга эришган.

Бернард Шоу ижодидаги эпикликни ҳам ўша баён ва сюжет линияларида кузатишимиз мумкин. Бернард Шоудаги ўзига хослик-ремаркаларнинг кўплиги ёзма адабиётнинг ривожини учун адабий мақсад бўлганини ҳам эътироф этиш лозим. Шоу инглиз жамиятининг юқори

⁵⁵ Чўлпон. Адабиёт надур? – Т.: Чўлпон, 1994. – 240 б.

⁵⁶ Маҳмуд В. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Т.: Маънавият, 2006.

⁵⁷ Имомов Б. Ўзбек драматургияси тарихи. – Т., 1995. – Б. 54.

⁵⁸ Балашов П. Художественный мир Бернарда Шоу. – М.: Худ. лит., 1982. – С. 142.

табақаларига хос ибтидоий, пуританча қарашни бутунлай бузади. У натуралист сифатида ҳар бир нарсани ўзининг ҳақиқий номлари билан аталиши, ҳар қандай кундалик ҳодисаларни реал тасвирлаш мумкинлигини кўрсата олади. Ўқувчи кўз олдида эллик ёшли, қудратли, мағрур, ҳорғин бўлса-да, янги ғалабаларга умид боғлаган Цезарь портрети гавдаланади. Хулқ-атвор шакллари сайқалланишининг энг ифодали воситалари қаҳрамон ва муаллиф нутқида келтирилади.

“Цезарь ва Клеопатра” тарихий драмасининг алоҳида ажралиб турувчи жиҳатларидан бири юмор, яъни мутойиба, баъзида эса ҳақиқий ўйин-кулгига бойлигидир. Жаҳон классикасида одатда тарихий драмаларда кўпроқ фожиавий воқеалар акс эттирилган. Лекин бу асарни трагедия ёки ҳатто трагикомедия деб аташ мумкин эмас, чунки бунда тарихий драма комедия билан бирлашади. “Цезарь ва Клеопатра”да юмор доимий равишда ўзларини баҳолай олмайдиган ва тўғри ҳаракат қила олмайдиган қаҳрамонларнинг асоссиз вазиятлари туфайли пайдо бўлади. Асар қаҳрамони бўлмиш Цезарь одамларнинг хатти-ҳаракатларидаги кулгили жиҳатларни кўради ва бизни ҳам уларни кўришимизга ёрдам беради.

Фитрат драмаларининг алоҳида фазилатларидан бири – ички маромнинг мавжудлиги, замон ўзгариши билан маконнинг, шу маконда кечаётган воқеаларнинг ҳам шиддат билан ўзгариши, характерларнинг ривожланиб боришидир. Бу ҳолатни “Абулфайзхон” мисолида яққол кўриш мумкин. Фожиада акс эттирилган замон, гарчи у XVIII асрнинг ўрталарида содир этилган бўлса ҳам маъно, мантиқ жиҳатидан ҳамма даврларга тегишли эди⁵⁹.

Бернард Шоу ва Абдурауф Фитрат асарларидаги муштарак жиҳатлар уларнинг тарихий мавзуга қўл уриб, кучли ҳукмдорлар шахсини кўрсатишдагина эмас, балки мана шу ҳукмдорларга муте бўлган халқнинг қисмати ва аянчли келажаги ҳақида хабар беришдир. Айни воқеаларнинг бадиий таҳлили орқали ҳар икки драматург ҳам тарихдаги бу эврилишлардан кейин миллатнинг жафо чеккани, унинг иқтисодий маданий аҳволи аввалги замонларга нисбатан таназзуллашиб боришини кўрсатишдир. Ҳар икки асарда ҳам таназзулнинг бош сабабчиси сифатида ички низолар, фитна ва хиёнат кўрсатилади.

ХУЛОСА

1. Адабий тур ва жанрларнинг ривож бадиий ижод тараққиётини белгилар экан, унда алоҳида истеъдодлар, ижодкор шахс ва адабий қаҳрамонлар муҳим роль ўйнайди. Ҳаётни ўзига хос равишда бадиий талқин қилиш ҳар бир ижодкор шахсига хос белгидир. У ўз атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, ҳаётнинг ички муаммоларини, одамлар руҳиятини чуқур идрок ва ифода эта олиши лозим.

2. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий асарда ижодкор қанчалик жонли ва ишонарли қилиб тасвирласа, асар шунчалик эътиборга лойиқ бўлади. Ижод йўлида тинмай изланиш, ҳаётни кузатиш буларнинг бари ижодкор шахснинг

⁵⁹ Умарова М. Тарихий драмада бадиий вақт: Шекспир ва Фитрат. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013. – Б. 87.

меҳнати самарасидир. Ижодкор инсоннинг ижодий “мен” ва биографик “мен”ини турли ракурсада ўрганиш адабиётшуносликда бадиий асар қаҳрамонининг руҳиятини тез англаб олиш учун муҳим йўналиш беради.

3. Адабиётшуносликда ижодкор шахс тушунчаси тарихан ўзининг ривожланиш босқичларига эга. Антик давр ва ўрта асрлар, Европа ва Шарқ Уйғониши, XVI-XIX асрлар, шунингдек, XX-XXI асрларда ижодкор шахс ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар турли жиҳатларда акс этган бўлса-да, уларни доимий суратда бирлаштириб турган жиҳат – истеъдод табиатининг ўзига хослигидир. Адабиёт ана шу бетакрор истеъдодлар яратган бадиий неъмат натижалари ҳисобига бойиб, тараққий этиб боради. Шундай экан, адабий жараёнда истеъдод табиати, ижодкор шахс тушунчаларини ўрганиш, кенг миқёсдан таҳлил ва талқин қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

4. Ижодкор шахс кўп қиррали тушунча бўлиб, бу дастлаб ёзувчининг таржимаи ҳоли ва дунёқараши, истеъдод табиати ва маҳоратида кўринса ҳам, у асосан, ўша ижодкор шахс томонидан яратилган асарларнинг сифати орқали юзага чиқади. Сифат кўрсаткичи адабиётда доимо устуворлик касб этган. Бадиий асарларнинг сифати ва ижодкор маҳорати масалалари у яратган адабий асарларда, тўғрироғи, унинг қаҳрамонлари дунёсида акс этади. Шунинг учун ҳам бирор ижодкорнинг адабий ҳаётдаги ўрни ҳақида сўз юритилганда у яратган “адабий аҳоли”, яъни қаҳрамонлар галереяси кўпинча меъёр қилиб олинади. Бадииятнинг бу меъёри истеъдод табиати ва ижодкор шахс маҳоратидан келиб чиқсагина у янги, бетакрор адабий асарлар туғилишига сабаб бўлади. Ҳар қандай асар объектив ҳаёт ҳодисаларини тасвирласа ҳам у ижодкор “субъекти”, “мен”и билан боғлиқдир. Мана шу каби тушунчаларнинг бадиий меъёр билан ўзаро мувофиқлиги “ижодий индивидуаллик”ни шакллантиради.

5. Қадим-қадимлардан бадиий ижод намуналарига нисбатан Ғарб ва Шарқда шаклланган муносабатлар фарқли суратда тараққий топган. Бу жараён, биринчи навбатда, ўша халқларнинг ишонч-эътиқоди, урф-одатлари, миллий тил имкониятларидан фойдаланиб, умуминсоний характерлар яратиш каби жиҳатларда ўз аксини топади. Бадиий асарларда ғарбона ва шарқона муносабатнинг акс этишини ўрганиш ҳар доим адабиётшуносликда долзарблик касб этган илмий муаммолардан саналади. Бу муносабатлар силсиласи, айниқса, ижодкор шахси ва қаҳрамон муаммосида фарқланади. Асар қаҳрамони ҳам муаллифнинг қарашлари ва эътиқодидан келиб чиқади ҳам кўп ҳолларда қаҳрамон муаллифнинг ўзи яшаган муҳит таъсирида шакллантирилади. Демак, ижодкор шахс руҳияти, дунёқараши адабий муҳит ва қаҳрамонга ўз таъсирини ўтказади.

6. Масалага ғарбона ва шарқона муносабатлар силсиласини ўрганиш жараёнида Европа романтизмнинг асосчиларидан саналган Жорж Байрон ва ўзбек жадид шоирларининг етакчиси Абдулҳамид Чўлпон ижодини ўзаро муқояса қилиш орқали мақсадга эришиш мумкин. Чунки фаол ижодкор шахси, лирик қаҳрамони табиатидаги курашчанлик руҳи ҳар икки етук ижодкорга ҳам хос хусусиятдир. Алоҳида олиб қаралганда, Байроннинг

“Чайльд Харольднинг зиёрати” достони, Чўлпоннинг озодлик руҳи ифодаланган қатор шеърларида лирик қаҳрамон ва лирик “мен” муносабатида ҳақиқатпарастлик бош мезон сифатида акс этади. Ушбу шоирларнинг ўз яқинларига бўлган муносабат акс этувчи шеърларида ҳам ижодкор шахси руҳияти яққол намоён бўлган.

7. Байрон ва Чўлпон ижодидаги бир-бирига яқинлик, асосан, мавзулар доирасининг аниқлиги, образлараро муштараклик билан тасвирда романтизмнинг кучли таъсири остида бўлганини, ҳар икки шоирда ҳаёт ҳодисасига назар ташлашдан тортиб, уни бадиий талқин этишда романтизм адабиётига хос бўлган ҳаёлот, воқеаларни қалб призмасидан ўтказиб талқин қилиш ҳолларини кузатиш мумкин.

8. Тарихийлик тамойили эпик асарлар, айниқса, насрий жанрларда яратилган асарларда устувор жиҳат саналган. Европа тарихий романчилиги Вальтер Скотт романлари орқали адабий мактаб даражасига кўтарилган бўлса, ўзбек жадид адабиётида Абдулла Қодирийнинг етук истеъдоди ва маҳорати акс этган асарлари орқали ўзбек романчилиги мактаби шаклланди. Скотт ва Қодирий асарларида ижодкор инсон таржимаи ҳолидаги ҳаётий фактлар ҳамда руҳий ҳолатлар, ижод механизмини ташкил қилувчи компонентлар, ижодий “мен” ва инсоний “мен” ўртасидаги мувозанатни илмий-назарий ҳамда бадиий-эстетик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали уларнинг асарларида бевосита ижодкор шахс ва адабий қаҳрамон параллелизми кўзга яққол ташланади.

9. Адабиётнинг барча тур ва жанрларида ижод қилган Вальтер Скотт бадиий ижодда, асосан, тарихий романлар муаллифи сифатида дунё адабиётида из қолдирди, Абдулла Қодирий ҳам ижодининг дастлабки даврида шеър, драма ва публицистик асарлар яратган бўлишига қарамай, у тарихий романлар муаллифи сифатида нафақат ўзбек, балки туркий халқлар бадиияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

10. Вальтер Скоттнинг “Уэверли”, “Айвенго” романлари ва Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларида миллат тарихидаги талотумлар, унинг парокандаликка учраши сабаблари, сиёсий-маънавий инқироз асар қаҳрамонлари тақдири орқали акс этган. В.Скотт тарихий романларидаги тарихийлик принципи А.Қодирий ижодига тўғридан тўғри таъсир этмаган бўлса-да, бу жараёнда араб адиби Журжи Зайдон ижоди кўприк вазифасини ўтаган.

11. Вальтер Скотт романларида Буюк Британия ва Шотландия ҳаётининг XII аср охиридан то XIX асрнинг бошигача бўлган даври воқеалари ёритилса, Абдулла Қодирий асарларида Туркистон ўлкасининг хонликлар давридаги ҳолати, яъни XIX асрнинг бошигача бўлган воқеалари акс этади. Икки адиб ҳам турли тарихий даврларни тасвирлашда тарихий ҳаракат қонунлари ҳақидаги тушунчаларини баён этишда ватанининг тарихий ўтмишини катта хайрихоҳлик билан ёдга олиб, айниқса, халқ ҳаракатларини тасвирлашга катта эътибор берган.

12. Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирий асарлари заминида инсонлар тақдири билан қизиқиш ётади, шунинг учун улар ўз қаҳрамонларини ўша халқ ва тарихий воқеаларга таянган ҳолда яратади. Бундан кўриниб турибдики, Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирий миллий ҳаракатларнинг тарихий ролини чуқур англаб етган ва ижодкорларнинг бундай хусусиятлари тарихий роман жанрининг яратувчиси эканликларини тан олишга асос бўлади. Икки адибнинг асосий қаҳрамонлари Уэверли ва Отабекнинг тақдири мамлакатдаги тарихий воқеалар билан боғланган.

13. Тарихни ўрганиш аввал таниқли ўтмишдаги шахслар ҳақидаги ҳикоялар сифатида қабул қилинган бўлса, Скотт ва Қодирий асарларида қаҳрамонларининг тақдирини маълум бир давр тарихий шахсларининг ҳаётининг фони орқали тасвирланган. Тарих сюжет ва муаммоларни ҳал қилиш учун замин яратди. Манзарали тарихий воқеалар фонида қаҳрамон ҳар қандай вазиятда ҳам ўз вазифаси туйғусига кўра ҳаракат қилади ва ўзининг гўзал севгилисига содиқ қолади.

14. Вальтер Скотт ва Абдулла Қодирийнинг дастлабки романларининг қиёсий ўрганиш тажрибаси шуни далиллайдики, ҳар икки асарда ҳам яқин ўтмиш, роман ёзилаётган пайтдан тахминан 60-70 йиллар аввалги воқеалар қаламга олинган. Бу жараёнда адиблар тарихий ҳужжатлар билан бирга ўша воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган кишиларнинг хотираларига таянишган. Қодирий ва Скотт тарихий романлари ўртасидаги боғлиқлик тўғридан тўғри адабий таъсир доирасида амалга ошмайди. Европа тажрибасидан хабардорлик ўзбек адибининг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари муваффақиятини таъминлаган омиллардан саналади.

15. Жаҳон адабиёти тарихида драманинг адабий тур сифатида ҳам, театр санъатининг асоси сифатида ҳам алоҳида ўрни бор. Бу алоҳидалик антик даврдан тортиб XX аср бошларида юзага чиққан жаҳид театрига қадар юксалиб борган, янги-янги адабий истеъдодлар ва қаҳрамонларни кашф этган. Шекспир ва Шоу драматургиясида инглиз адабий ҳаётининг манзаралари, тарих ҳақиқати ўзининг нисбатан тўла аксини топган бўлса, айни ҳолат ўзбек драматургиясида Фитратнинг тарихий ва маърифий руҳда ёзилган драматургик асарларида кўзга ташланади.

16. Бернард Шоунинг “Цезарь ва Клеопатра” тарихий драмаси ва Фитратнинг “Абулфайзхон” тарихий драмаларидаги бетакрор тарихий образлар ғарб ва шарқ драматургиясини ўрганишда, шунингдек, тарихни чуқур таҳлил этишда самарали омил бўлиб хизмат қилади. Фитрат драмаларида жамиятда содир бўлган тарихий воқеалар баёни ва шахснинг тарихдаги ўрни маиший ҳаёт сахналаридан устуворлик қилади. Шоу ўз комедияларида жамиятдаги жирканч муаммоларни фош этиб, баъзи бир иллатлар устидан кулар ва бу кулги томошабинга завқ олиб келарди.

17. Фитратнинг “Абулфайзхон” драмасида XVIII аср Бухоро хонлиги ва аштархонийлар сулоласининг инқирозга юз тутиб, манғитларнинг зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллашлари воқеалари бадиий ифодасини топган. Ушбу асар драматургнинг Туркистон тарихидаги феодал жанжаллар,

ноҳақ ўлимлар, зўравонликларни тасвирлаш учун жуда қулай имконият ва муносиб восита эди. Драматург энг характерли воқеаларнигина сюжет учун белгилаган. Шоу асарларининг ўзига хослигини таъминлаган *ўқиш учун мўлжалланган*, драмалар, ремаркаларнинг батафсиллиги кузатилса, Фитрат ўз тарихий асарларида ўша тафсилотларни тарихий шахслар нутқиغا кўчирган. Бунинг натижасида ўз халқи ва миллати келажаги учун курашга чоғланган кучли қаҳрамонлар галереяси яратилган.

18. Жаҳон адабиётшунослиги алоҳида миллий адабиётлар ва буюк ижодкор шахслар ҳисобига бойиб борар экан, бу жараёнда адабиётлараро алоқалар, ижодий муштараклик масалалари ўзига хос ўрин тутди. Миллий адабий заминда яратилган асарларнинг умуминсоний моҳиятини ўрганиш учун эса барча адабиётлар учун муштарак бўлган ижодий тамойиллар ва бадиийлик қонуниятларидан келиб чиқиб фикр юритилади. Шундай экан, адабиётлараро муштараклик даврларида миллий ва минтақавий адабиётларни ўзаро қиёслаб ўрганиш натижасидагина умумидабий ҳодисаларни теран англаш ҳамда дунё адабиётини бойитган асарларни холис таҳлил қилиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.Ped/27.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

УМАРОВА МАХЛИЁ ЮНУСОВНА

**ПРОБЛЕМА ТВОРЧЕСКОЙ ЛИЧНОСТИ И ГЕРОЯ В АНГЛИЙСКОЙ
И УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ
(НА ПРИМЕРЕ ЛИТЕРАТУРЫ XIX - НАЧАЛА XX ВЕКОВ)**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора филологических наук (DSc)**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.2.DSc/Fil318.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.
Автореферат диссертация на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.uzswlu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Болтабаев Хамидулла Убайдуллаевич
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Садиков Зоҳид Якубжанович
доктор филологических наук, доцент

Мирзаева Зулхумор Иномовна
доктор филологических наук, профессор

Усмон Хужа угли Темур
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «31» марта 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, город Ташкент, улица Кичик халка йули, 21а. Тел: (998 71) 230-12-91, (99871) 230-12-92; e-mail: www.uzswlu_info@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № 8). (Адрес: 100138, город Ташкент, улица Кичик халка йули, 21а. Тел: (998 71) 230-12-91, (99871) 230-12-92; e-mail: www.uzswlu_info@mail.ru).


Автореферат диссертации разослан «18» марта 2022 года.

(Реестр протокола рассылки № 8 от «18» марта 2022 года).




Г.Х.Бакиева
Научный совет по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор


Х.Б.Самигова
секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент


Ж.А.Якубов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении глубоко разработан принцип изучения личности и деятельности конкретного творческого деятеля или писателя в тесной связанности с его произведениями. В настоящее время появляются новые подходы к анализу творчества конкретного писателя и художественного произведения, новые способы изучения связи между автором и героем, что имеет практическое значение для более глубокого понимания художественного произведения и объяснения своеобразия творческой личности. В процессе анализа художественного произведения такие вопросы, как проявление образа творческой личности и автора в художественном герое произведений писателей двух и более стран, гармония творческого и человеческого «Я» требуют всеобъемлющего изучения в произведениях мыслителей мировой литературы.

В мировом литературоведении проведено много исследований по произведениям выдающихся мыслителей английского романтизма: Джорджа Байрона, Вальтера Скотта, и реалиста Бернарда Шоу. Несмотря на большое количество литературно-критических взглядов на творчество этих писателей, отношения творческой личности и героя в их произведениях необходимо, на наш взгляд, исследовать ещё в сравнительном аспекте с узбекской литературой джадидов. Для этого в художественном произведении важно изучить перенос событий из жизни и биографии творческой личности-человека в жизнь главного героя, объективно изучить и проанализировать творческую личность и ее художественное наследие, понять психику автора, проблему литературной личности в междисциплинарном пространстве общественных наук.

Значительные исследования в узбекском литературоведении по изучению литературы джадидов XX века показывают, что узбекские писатели-джадиды в целом не остались в стороне от новшеств в мировой литературе. Чулпон, Кадыри и Фитрат, сыгравшие важную роль в развитии отечественной литературы, были осведомлены об основных направлениях мировой литературы. В этом смысле англо-узбекские литературные отношения и сравнительное изучение творческих процессов, имевших место в национальных литературах в начале XX века, образуют отдельную филологическую сферу. Известно, что «литература играет неопределимую роль в осознании благородных ценностей и традиций в обществе, особенно, в повышении духовного и интеллектуального потенциала, сознания и мировоззрения народа, в частности молодого поколения, и вообще в воспитании гармонично развитого человека, живущего с любовью и преданностью к Родине и народу»¹. Недостаточное изучение общности английской и узбекской литературы конца XIX - начала XX вв. и отсутствие

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий олами юксалтиришининг мустахкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // - Халқ сўзи. - 2017. - 4 август.

сравнительного изучения нововведений в поэзии, прозе и драматургии подчеркивают актуальность научной проблемы и востребованность ее изучения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан: Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3271 от 13 сентября 2017 г. «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года»,

Распоряжение Президента Республики Узбекистан №Р-5598 от 8 октября 2020 года «О дополнительных мерах по более глубокому изучению наследия и увековечению памяти жертв репрессий», Распоряжение Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124-Ф от 18 февраля 2018 года «О проведении международной конференции «Актуальные вопросы международного изучения и популяризации узбекской классической и современной литературы», а также в других нормативно-правовых документах Республики Узбекистан, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертация реализована в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, направленные на теоретическое и практическое изучение произведений британских писателей Байрона, Вальтера Скотта, Бернарда Шоу и узбекских писателей-джадидов Абдурауфа Фитрата, Абдуллы Кадыри, Абдулхамида Чулпона проводятся ведущими исследовательскими центрами и университетами по всему миру, в том числе в Англии (университет Хартфордшир), Шотландия (университет Абердин), США (университет штата Мичиган, университет Индианы), Германии (университет Гумбольдта), России (Московский государственный университет, государственный университет Адыгеи), Турции (университеты Анкары и Стамбула), Азербайджане (Национальная Академия наук, Бакинский государственный университет), Казахстане (Казахский

² Диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар шарҳи: 1. <https://www.herts.ac.uk/>; 2. <https://britisheducation.org.ru/education/university-of-aberdeen/>; 3. <https://msu.edu/>; 4. <http://www.universityofcalifornia.edu/>; <http://www.dictionary.com/>; 5. <https://www.hu-berlin.de/de> 6. <http://www.smolgu.ru/>; 7. <https://www.adygnet.ru/>; 8 https://world.uz/ru/post/view/universitet_trakiya; 9. <https://www.ankara.edu.tr/>; 10. <http://m.science.gov.az/ru/institutes/764>; 11. <http://bsu.edu.az/>; 12. <https://uz.Turktoy.com/university/xoja-ahmad-yassaviy-xalqaro-qozoq-turk-davlat-universiteti>.

национальный университет имени Аль-Фароби), Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан, Национальном университете Узбекистана, Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ташкентском государственном институте востоковедения, Андижанском государственном университете, Ферганском государственном университете, Самаркандском государственном университете, Узбекском государственном университете мировых языков.

В мировом литературоведении исследователи достигли значительных научных результатов по вопросу творческой личности и героя: объективная реальность, индивидуальные особенности личности автора, отражение своеобразия авторского мировоззрения, художественное выражение воспоминаний прошлого показаны на научной основе (Московский государственный университет имени М. В. Ломоносова, Россия); выявлены способы выражения авторского «Я» в литературоведении, использование как основы фактов из биографии писателя, важных для понимания художественного произведения; способы выражения авторского «Я» в художественном произведении (Северный (Арктический) Федеральный университет, Архангельск); предпринята попытка анализа творческой индивидуальности автора параллельно с героем художественного произведения, исследовано художественное изображение социальных и исторических проблем автора (Уральский государственный университет им. М. Горького).

